

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**  
**БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА**  
**УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**АГРОКИМЁ ВА**  
**АГРОТУПРОҚШУНОСЛИК**  
йўналиши

**“ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА**  
**АГРОКИМЁДА ЯНГИ ИННОВАЦИОН**  
**ТЕХНОЛОГИЯЛАР”**  
модули бўйича

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тошкент – 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**АГРОКИМЁ ВА  
АГРОТУПРОҚШУНОСЛИК  
йўналиши**

**“ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА  
АГРОКИМЁДА ЯНГИ ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР”  
модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент – 2017**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ -сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** Н.Б.Раупова- биология модуллари номзоди, доцент, М.М.Атабаев- қишлоқ хўжалиги модуллари номзоди, доцент.

**Тақризчи:** J.P.A.Lamers- Бонн университети (Германия), қишлоқ хўжалиги модуллари доктори.

***Ўқув -услугий мажмуа Тошкент Давлат Аграр Университети Кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ -сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.***

## МУНДАРИЖА

1. Ишчи дастур .....	5
2. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари. ....	17
3. Назарий материаллар .....	21
4. Амалий машғулот материаллари .....	106
5. Кейслар банки .....	108
6. Мустақил таълим мавзулари .....	117
7. Глоссарий .....	118
8. Адабиётлар рўйхати .....	123

# **I. ИШЧИ ДАСТУР**

## **Кириш**

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, модул, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-модулни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали услубларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим – тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Тупроқшунослик ва агрокимёда янги инновацион технологиялар ” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини қишлоқ хўжалигидаги

билимларини такомиллаштириш, модулнинг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

### **“Тупроқшунослик ва агрокимёда янги инновацион технологиялар” модулининг вазифалари:**

модулнинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш; инновацион жараёнлар, тупроқшунослик ва агрокимёда инновация типлари. Тупроққа ишлов бериш ва ўғитларни комплекс қўллашнинг экологик хавфсиз технологиялари, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва экинлар хосилдорлигини оширишда инновацион технологиялар; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда тупроқни муҳофазаловчи инновацион технологиялар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни экологик ва иқтисодий бахоси.

тингловчиларнинг қишлоқ хўжалигидаги муаммоларини таҳлил этиш, кўникма ва малакаларини шакллантириш;

модул бўйича педагогик муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Тупроқшунослик ва агрокимёда янги инновацион технологиялар”** курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- агрокимё ва агротупроқшунослик йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларининг дидактик асосларини;
- агрокимё ва агротупроқшунослик йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича инновацияларни;
- агрокимё ва агротупроқшунослик соҳасидаги сўнгги ютуқларни;
- агрокимё ва агротупроқшунослик йўналиши доирасидаги мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни;
- агрокимё ва агротупроқшунослик йўналиши доирасидаги фанларни ўқитиш бўйича педагогик маҳорат асосларини **билиши лозим.**

#### **Тингловчи:**

- агрокимё ва агротупроқшунослик йўналиши фанларидан электрон ўқув материалларини ярата олиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- агрокимё ва агротупроқшунослик йўналиши педагогларида касбий

билимларни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;

- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш **кўникмаларига ва малакага эга бўлиши лозим.**

#### **Тингловчи:**

-агрокимё ва агротупроқшунослик йўналиши доирасидаги мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни;

-агрокимё ва агротупроқшунослик йўналиши доирасидаги фанларни ўқитиш бўйича педагогик маҳорат асосларини **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

**“Тупроқшунослик ва агрокимёда янги инновацион технологиялар”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

#### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва ўзвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Тупроқшунослик ва агрокимёда барқарор ривожланиш”, “Тупроқ муҳофазаси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

#### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар- модулнинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш; инновацион жараёнлар, тупроқшунослик ва агрокимёда инновация типлари, тупроққа ишлов бериш ва ўғитларни комплекс қўллашнинг экологик хавфсиз технологиялари, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва экинлар хосилдорлигини оширишда инновацион технологиялар; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда тупроқни муҳофазаловчи инновацион технологиялар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни экологик ва иқтисодий баҳоси, оптимал ва муқобил ечим топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		хаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				мустақил таълим
			жами	жумладан			
				назай	амалий машғулот	қўчма машғулот	
1	Кириш: модулнинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш; инновацион жараёнлар, тупроқшунослик ва агрокимёда инновация типлари.	6	4	2	2	-	2
2	Тупроққа ишлов бериш ва ўғитларни комплекс қўллашнинг экологик хавфсиз технологиялари,	4	4	2	2	-	
3	Тупроқ унумдорлигини тиклаш ва экинлар хосилдорлигини оширишда инновацион технологиялар.	6	6	2	2	2	
4	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда тупроқни муҳофазаловчи инновацион технологиялар.	6	6	2	4	-	
5	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни экологик ва иқтисодий бахоси.	6	6	2	2	2	
	<b>Жами:</b>	<b>28</b>	<b>26</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>2</b>

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Кириш: модулнинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш; инновацион жараёнлар, тупроқшунослик ва агрокимёда инновация типлари.**

Ердан оқилона фойдаланиш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мавзуси инсоният тарихи давомида доимо долзарб масалалардан бири бўлган.



Бугунги кунда тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш масаласи тобора ўткир муаммога айланиб бормоқда. Шу сабабли ҳуқуқий нуқтаи назардан тупроқ унумдорлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада чуқурроқ ўрганишимиз, бугунги кундаги ҳолатини яна бир бор илмий ва амалий томонларини таҳлил этишимиз ва энг асосийси уларни янада такомиллаштириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

**“Тупроқшунослик ва агрокимёда янги инновацион технологиялар”** модулининг мақсади- инновацион жараёнлар, тупроқшунослик ва агрокимёда инновация типлари, тупроққа ишлов бериш ва ўғитларни комплекс қўллашнинг экологик хавфсиз технологиялари, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда инновацион технологиялар; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда тупроқни муҳофазаловчи инновацион технологиялар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни экологик ва иқтисодий баҳосини ўрганишдан иборат.

2008 йилнинг 15 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” иги 916-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойишлар билан Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси “Ўзэкспомарказ” да ўтказилиб келинмоқда.

Мамлакатимизнинг миллий манфаатлари учун энг муҳим бўлган вазифаларни ҳал этишга қаратилган йирик илмий дастурлар асосида комплекс инновация лойиҳаларини амалга ошириш талаб этилади. Бу интеллектуал кучлар ва моддий техника ресурсларини бирлаштириш ва жамлаш борасида кенг имкониятлар яратади. Мавзу бир хиллиги ва майдалашувига барҳам беради. Модулларо ва идораларо тўсиқларнинг бартараф этилиши таъминланади. Илғор ғояларни кўтариб чиқаётган, дунёвий илмий ютуқлар даражасида фаолият кўрсатаётган истиқбол илмий натижаларни мамлакат манфаатлари учун қўллай оладиган иқтидорли олимларни амалда тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун йўл очилади.

## **2-мавзу: Тупроққа ишлов бериш ва ўғитларни комплекс қўллашнинг экологик хавфсиз технологиялари.**

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкор технологиялар – бу асосан ерга турли ишлов бериш (шудгорлаш, чизел қилиш, бараналаш ва бошқа агротехник тадбирлар)ни камайтириш ёки иқтисодий сарф харажатларни тежаш, орқали қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш маъносида талқин қилинади. Тупроқни химоя қилиш - тупроқ юзасини бирор полиэтилен пленка, ўсимлик қолдиғи, яшил сидератлар, ҳар хил компостлар, гўнг ёки бошқа органик қолдиқлар билан қоплаш ёки мульчалаш маъносида ишлатилади.

## **3-мавзу Тупроқ унумдорлигини тиклаш ва экинлар хосилдорлигини оширишда инновацион технологиялар.**

Тупроқ унумдорлигини категориялари- табиий, сунъий, потенциал, эффектив, нисбий, иқтисодий унумдорликка хақида. “Тупроқ деградацияси- бу инсон фаолияти таъсиридаги жараёнлар йиғиндиси ва тупроқнинг инсонлар хаётини қўллаб-қувватлайдиган қобилиятини камайтиришдир” (Guidelines for General Assessment.2008). “Тупроқ деградацияси ва ер табиий ва антропоген жараёнлар йиғиндиси ва тупроқнинг физик функциясининг ёмонлашиши , ерларнинг табиий ишлаб чиқариш ахамиятининг пасайишига олиб келади”( методика определения размеров ущерба и деградация почв и земель,1994). Тупроқ унумдорлигини тиклаш экинлар хосилдорлигини оширишда инновацион технологияларни ахамияти.

## **4-мавзу: Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда тупроқни муҳофазаловчи инновацион технологиялар.**

Тупроқ химоя қилиш технологиялари, ҳозирги кунда чет эл мамлакатлари қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкор технологияларнинг ажралмас бир қисми сифатида қўлланилиб келинмоқда.

Дунё бўйича кўпгина мамлакатлар (Бразилия, Янги Зеландия, Мексика, Америка кўшма штатлари, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Россия, Қозоғистон ва бошқалар)да 100 млн. га дан ортиқ ер майдонлари қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкор ва тупроқни химоя қилувчи технологиялардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда. Қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкор ҳамда тупроқ химояловчи технологияларнинг тармоқлари жуда кўп. Жумладан;

- Ҳайдамасдан экиш (Zero Tillage) – тупроқ юзасида ўсимлик қолдиқларини қолдирган ҳолда текис ерга ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш.
- Доимий пуштага экиш (Permanent Bed planting) – пушта доимий ҳолда бўлиб юзаси ўсимлик қолдиғи билан қопланган ҳолда тўғридан-тўғри ҳайдамасдан пушта устига экиш.
- Оралиқ ҳайдаб экиш (Intermediate Tillage) - тупроқ юзасида ўсимлик қолдиқлари қолдирилиб бир йил шудгорлаб, ерга ишлов бериб текис ерга ёки пуштанинг устига экиш, кейинги йили ҳайдамаслик.
- Кам ишлов бериш (Minimum Tillage) – тупроқ юзасида ўсимлик қолдиқлари қолдирилган ҳолда ерни шудгор қилмасдан, чизел ёки бараналар билан тупроқ юзасига ишлов бериш ва шунга ўхшаш бошқа бир қанча экиш турларига бўлинади.

### **5-мавзу: Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни экологик ва иқтисодий баҳоси**

Тадқиқотчи-олимлар маълумотларига кўра, ресурстежамкор технологиялар, жумладан, ҳайдамасдан экишда, оддий ҳайдаб экиладиган усулга қараганда юза 0-20 см қатламда тупроқ унумдорлиги сезиларли даражада ўзгарган; ресурс тежамкор ҳамда тупроқ химоя қилувчи технологияларда, оддий ҳайдаб экиш усулига нисбатан, 0-7 см тупроқ қатламида гумус миқдори ўртача 0,5-0,8 фоизга юқори бўлган. Ресурс тежамкор технологиялар – бу асосан ерга турли ишлов бериш (шудгорлаш, чизел қилиш, бараналаш ва бошқа агротехник тадбирлар)ни камайтириш ёки иқтисодий сарф харажатларни тежаш, орқали қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш маъносида талқин қилинади. Тупроқни химоя қилиш - тупроқ юзасини бирор полиэтилен пленка, ўсимлик қолдиғи, яшил сидератлар, ҳар хил компостлар, гўнг ёки бошқа органик қолдиқлар билан қоплаш ёки мульчалаш маъносида ишлатилади

Ресурс тежамкор ва тупроқ химояловчи технологияларни қўллаганда, оддий усулга қараганда тупроқнинг физикавий, кимёвий хусусиятлари жумладан; тупроқ шўрланиши, ҳажм оғирлиги, ҳамда ерни ишлов беришга кетган иқтисодий сарф харажатларининг камайганлиги, шу билан биргаликда тупроқ инфилтрацияси, намлиги, агрегатлик ҳолати, ғоваклиги ошганлиги, экинлар ҳосилдорлиги ва иқтисодий самарадорлик юқори бўлган.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Тупроқ деградациясининг антропоген омиллари таъсирини КЛАСТЕР бўйича тавсифланг.**

Тупроқ деградациясининг антропоген омиллари 2 гуруҳга бўлинади; мақсадли тавсифланадиган ва мақсадсиз йўналтирилган.

1. Мақсадли йўналтирилган- бу тупроқларнинг хоссаларига аниқ йўналтиришга таъсир қилишга қаратилган.

2. Мақсадсиз йўналтирилган—бу тупроқ қопламга комплекс аралашган ҳолда таъсир қилиб, унинг хоссаларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

### **2-амалий машғулот: Тупроқ деградациясининг турлари ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш.**

Тупроқ деградацияси қуйидаги турларга бўлинади; Физик ва механик деградация. Тупроқ гранулометриқ таркибининг ўзгариши билан тупроқ материалларининг ёмонлашиш жараёни кузатилиши, тупроқ қатламларининг назоратсиз қолиши, уларнинг зичлашиши, хаво ва сув режимларининг бузилишидир.

1. Кимёвий ва физикавий деградация.

Тупроқнинг кимёвий ва физикавий деградацияси – бу тупроқ сингдириш сиғимидаги жараёнлар, жумладан кислоталик- ишқорийлик хоссаларини, оксидланиш ва қайтарилиш потенциалини, макро ва микроэлементларни ҳамда ўсимликлар учун зарур бўлган ҳаёт элементларининг салбий томонга ўзгаришидир.

2. Биологик ва биокимёвий деградация биологик ва биокимёвий деградация – бу тупроқ органик қисмининг ўзгариши ва сифатининг ёмонлашиши, тупроқ организмларини сифат ва миқдор таркибининг салбий томонга ўзгаришидир.

Тупроқ деградациясининг ўзига хос турларидан бири – тупроқнинг захарли кимёвий ва органик бирикмалар, оғир металллар нефт ва нефт маҳсулотлари ҳамда радиоактив элементлар билан ифлосланишидир.

### **3- амалий машғулот: Тупроқ деградациясининг асосий сабаблари.**

Тупроқнинг деградацияга учрашининг асосий сабаби-бу табиий иқлим- иқлимий омиллар ва инсон фаолияти натижасида ерларнинг чўлланишига ва таназуллига олиб келади. Булар жумласига;

Чўлланиш ,сахроланиш, ўрмонсизлашиш ва б.,

Суғорма дехқончилик шароитларида ернинг иккиламчи шўрланиши, сув ва зах босиши;

Тоғ ва тоғ олди худудларидаги тупроқларнинг сув ва ирригацияси ва эрозиясига учраши;

Интенсив кўчма чорвачилик худудларида яйловлари дегрессия ва тупроқлар дефляцияга учраши;

Ерларнинг қишлоқ хўжалиги ва саноатда ўзлаштиришади техноген чўлланиши;

Агрокимёвий воситалари қўлланиши саноат ва маиший чиқиндиларни ташланиши ва зироатчиликдаги яккахокимлик натижасида тупроқнинг ифлосланиши хосилдорликнинг йўқотилиши;

Орол денгизининг қуриши ва туз-чанг тўзонлари, аэрозол ва бошқаларнинг тупроқ юзасига ўтириши хисобига тупроқларнинг шўрланиши.

#### **4-амалий машғулот: Инновацион жараёнлар, тупроқшунослик ва агрокимёда инновация типлари, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва экинлар хосилдорлигини оширишда инновацион технологиялар**

Инновацион жараёнлар, тупроқшунослик ва агрокимёда инновация типлари, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва экинлар хосилдорлигини оширишда инновацион технологияларни мониторинг қилиш ва маълумотлар базасини яратиш.

#### **Кўчма машғулотлар мазмуни**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойишлар билан Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси “ЎзЭкспоМарказ” да ўтказилиб келинаётган лойиҳалар билан танишиш.

#### **2. ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШ**

Тингловчилар Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институтига экскурсия уюштирилиб, у ердаги олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари билан яқиндан танишадилар.

#### **Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг илмий-амалий фаолияти ҳақида**

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот давлат институти Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот давлат институти 1920 йилда ташкил этилган.

Институтда фундаментал, кидирув ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Институтнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- тупроқларнинг генетик-географик хоссалари ва эволюцияси, тупроқ қоплами трансформацияси; тупроқларни комплекс баҳолаш усуллари; агроишлаб чиқариш гуруҳларига ажралиш усуллари ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлиги моделларини яратиш ва республикада тупроқ қоплами маълумотлар банкини тузиш; замонавий географик ахборот тизимларини (ГАТ) тупроқшуносликда тадбиқ этиш;

- ерлардан фойдаланишнинг янги усуллари шароитида (фермер хўжаликлари) суғориладиган тупроқлар унумдорлигини оширишнинг назарий асосларини ва усуллари ишлаб чиқиш; шўрланган тупроқларни шўрсизлантиришнинг, ифлосланган, эрозияга учраган, ўта зичлашган ва деградацияга учраган тупроқлар мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш;

- кимёвий, физик-кимёвий, биологик жараёнлар ва тупроқларнинг экологик ҳолати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қонуниятларини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш мақсадида уларни бошқариш йўллари ишлаб чиқиш;

- республиканинг турли табиий зоналарида қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш мақсадида тупроқ, сув-ҳаво ва озуқа режимларини бошқаришнинг самарали услуби ва технологияларини яратиш ва тадбиқ этиш;

- тузларнинг тарқалиши, озиқа элементлари трансформацияси ва эрозия жараёнларини тупроқ-геокимёвий ва минтақавий қонуниятларини ўрганиш асосида шўрсизлантириш, эрозияга қарши ва агрономик тадбирларни табақалаб қўллаш бўйича тавияларни ишлаб чиқиш;

- республика қишлоқ хўжалиги ерларининг мониторинги.

-қўйилган вазифаларни бажариш мобайнида, институт жамоаси турли генетик-географик минтақалардаги суғориладиган деҳқончилик шароитларида органик модда, азот, фосфор, калий ва бошқа озиқа моддаларининг ўзгариши механизмларини аниқлади.

Тупроқ сифатини, сув билан таъминланганлигини ва ҳудудларнинг минтақавий ўзига ҳослигини ҳисобга олган ҳолда агрономик тадбирларни табақалаб қўллаш ва маданий экинларни жойлаштириш бўйича бир қатор методик қўлланмалар чоп этилган.

2000 йилдан бошлаб институтда Модул ва технологиялар тараққиётини мувофиқлаштириш қўмитасининг давлат илмий-техника ва давлат фундаментал дастурлари доирасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари кенг ривожланиб бормоқда. Шўрланган, эрозияга учраган, ифлосланган ерлар мелиоратив ҳолатини тузатиш, суғориладиган тупроқларнинг физик, кимёвий, биологик ҳоссаларини, озиқа тартиботини муқобиллаштириш, ўғитлар самарадорлигини ошириш бўйича амалий ва назарий вазифалар ечилмоқда.

Институтда “Ўзбекистон тупроқларининг янги классификацияси (таснифи)ни яратиш” мавзусидаги фундаментал ва “Ўзбекистон Республикаси суғориладиган ерлари тупроқ қопламини комплекс ўрганиш, тупроқ экологик-мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда унумдорлигини тиклаш, баҳолаш ва бошқаришнинг самарадор технологияларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий олиб борилган тадқиқотлари натижасида “Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларини бонитировкалаш бўйича услубий кўрсатма” (Тошкент, 2005) ва “Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома” (Тошкент, 2009) ишлаб чиқилди, “Ўзбекистон тупроқлари картаси” (2009) ва ўзбек ва рус тилларида “Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламини Атласи” (2010) тузилди ва нашр этилди ҳамда “Ўзбекистон тупроқлари” (Тошкент, 2009) монографияси чоп этилди. Бу монографияда 40 йил давомида олиб борилган тупроқ тадқиқот материаллари таҳлил қилиниб, чўл ва бўз тупроқлар зонасидаги асосий тупроқларнинг диагностик белгиларига аниқликлар киритилди. Тупроқ типи, типчаси ва янада майдароқ таксономик бирликлари аниқланди ва тупроқларни систематик рўйхати тузилди.

2006 йилдан бошлаб фермер хўжаликлари (М 1:5000) ва массивларнинг (М 1:10000) катта масштабли тупроқ карталарини тузиш ва тупроқларини баҳолаш ишлари олиб борилмоқда. Ўтган вақт ичида Сирдарё ва Жиззах вилоятларида тупроқ-баҳолаш ишлари тўлиқ бажарилди. 2010 йилда тупроқ карталарини тузиш ва баҳолаш ишлари Фарғона вилоятининг 7 та туманида давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23 декабр 2000 йилда қабул қилинган 496-сонли қарори “Ўзбекистон республикасида ерларни мониторинг қилиш ҳақидаги ҳужжатни тасдиқлаш” га мувофиқ бир неча вилоят қишлоқ хўжалик экинлари ерларида мониторинг ўтказиш ишлари бошланди ва давом этмоқда.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (мутахассисликка оид кейс вазиятлар яратиш, ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (кейслар яратиш ҳамда ечими бўйича далиллар ва асосли далиллар тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш мезони	Максимал балл	Изоҳ
1	“Тупроқшунослик ва агрокимёда янги инновацион технологиялар” модули бўйича	2,5	Кейс – 1.2 балл Мустақил иш топшириқлари-0.5 Амалий топшириқлар– 0.8 балл



## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.



**Намуна:** Тупроқшунослик ва агрокимёда янги инновацион технологиялардан фойдаланишни **SWOT** таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Тупроқ харитаси тузишда ГИС технологиясидан фойдаланиш	Тупроқ харитаси тузишда классик усуллардан фойдаланиш
<b>W</b>	ГИС технологиясидан кам фойдаланиш	Замонавий усуллардан фойдаланмаслик
<b>O</b>	Янги ГИС техноллогиядан фойдаланиш хариталар сифатини ва аниқлигини оширади	Бу усул хариталар сифатига таъсири
<b>T</b>	ГИС технологиясидан фойдаланишни йўлга қўйилмаганлиги	Классик усуллар кўп вақт ва маблағ талаб этади, сифат даражаси паст бўлади.

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### Намуна.

**Фикр:** “Тупроқ унумдорлигини тиклаш ва экинлар хосилдорлигини оширишда инновацион технологияларнинг ўрни”.

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу

ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



#### **Тест**

- 1.Иновация деганда қандай калит сўздан фойдаланилади?
- А. янгилик
- В. келажак
- С. қадимий



#### **Қиёсий таҳлил**

- Тупроқшуносликда инновацион технологияларнинг роли?



#### **Тушунча таҳлили**

- GIS қисқармасини изоҳланг...




#### **Амалий кўникма**

- Агрокимёда ўсимликлар таркибидаги азотни янги технология асосида аниқлаш?

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: Мобил илова маълумотларини сақлаш турлари бўйича**



### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.

**1-мавзу: Кириш: модулнинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш; инновацион жараёнлар, тупроқшунослик ва агрокимёда инновация типлари.**

**Режа:**

1. Кириш: модулнинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш.
2. Инновацион жараёнлар, тупроқшунослик ва агрокимёда инновация типлари.
3. Тупроқ унумдорлиги ва унинг категориялари.
4. Тупроқ деградациясининг асосий турлари ва сабаблари.

**Таянч иборалар:** *Тупроқшунослик, агрокимё, Ер ресурслари, тупроқлар деградацияси, қишлоқ хўжалик махсулотлари, илмий дастурлар, лойихалар, инновацион жараёнлар.*

#### **1.1. Кириш: модулнинг мақсад ва вазифаларини ўрганиш**

Ердан оқилона фойдаланиш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мавзуси инсоният тарихи давомида доимо долзарб масалалардан бири бўлган. Бугунги кунда тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш масаласи тобора ўткир муаммога айланиб бормоқда. Шу сабабли ҳуқуқий нуқтаи назардан тупроқ унумдорлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада чуқурроқ ўрганишимиз, бугунги кундаги ҳолатини яна бир бор илмий ва амалий томонларини таҳлил этишимиз ва энг асосийси уларни янада такомиллаштириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

“Тупроқшунослик ва агрокимёда янги инновацион технологиялар” модулининг мақсади- инновацион жараёнлар, тупроқшунослик ва агрокимёда инновация типлари, тупроққа ишлов бериш ва ўғитларни комплекс қўллашнинг экологик хавфсиз технологиялари, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда инновацион технологиялар, қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштиришда тупроқни муҳофазаловчи инновацион технологиялар, қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни экологик ва иқтисодий баҳосини ўрганишдан иборат.

2008 йилнинг 15 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойihalар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”иги 916-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойишлар билан Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойihalар ярмаркаси “Ўзэкспомарказ “ да ўтказилиб келинмоқда.

Мамлакатимизнинг миллий манфаатлари учун энг мухим бўлган вазибаларни хал этишга қаратилган йирик илмий дастурлар асосида комплекс инновация лойihalарини амалга ошириш талаб этилади.Бу интеллектуал кучлар ва моддий техника рурсларини бирлаштириш ва жамлаш борасида кенг имкониятлар яратади. Мавзу бир хиллиги ва майдалашувиға бархам беради. Модулларо ва идораларо тўсиқларнинг бартараф этилиши таъминланади. Илғор ғояларни кўтариб чиқаётган, дунёвий илмий ютуқлар даражасида фаолият кўрсатаётган истиқбол илмий натижаларни мамлакат манфаатлари учун қўллаш оладиган иктидорли олимларни амалда тўғридан-тўғри қўллаш-қувватлаш ва рағбатлантириш учун йўл очилади

Хозирги вақтда глобал экологик инқироз тахдидлари кучайиб бораётган бир вақтда тупроқни деградация жараёнларидан муҳофаза қилиш дунё миқёсидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммонинг мухимлиги шунда-ки, тупроқ деградацияси жараёнини бартараф этмасдан ҳамда Ер шарининг тупроқ қатламини сақламай туриб ўсимлик ва хайвонот оламини, сув ва ҳаво тозалигини сақлашнинг имкони йўқ, шундай экан, биосферанинг нормал ишлашини сақлаш олмасдан инсоният ҳаётининг экологик фаровонлигини сақлашнинг имкони йўқдир.

“Тупроқ деградацияси 21-асрнинг мухим экологик муаммолар бири ҳисобланади. Унинг аҳамияти, биомасса маҳсулдорлигига унинг ҳақиқий ва потенсиал сув ва ҳаво сифати ва атмосферага иссиқхона газлари эмиссияси таъсири томонидан таъкидланган бўлади. Тупроқ деградацияси, сув (қурғоқчилик яратиш биомасса самарадорликни таъсир ёки анаэробий) ва илдиш зонасида табиий мувозанати (degration), самарали илдиш чуқурлиги камайиши ва зараркунандаларга сезувчанлик ошириш, тупроқ деградациясиюзасининг тўхтатиш ва ериган юкларни ташиш билан сув сифатига таъсир қилади, сув ва эр ости сувга қишлоқ хўжалиги кимёвий моддалар. Тупроқ ва сув манбаи ифлосланиши, тупроқ деградацияси билан боғлиқдир, эр ости сув ифлосланиши. Тупроқ деградацияси иқлим

Ўзгариши бевоситава билвоситатаъсирқилади. Тўғридан-тўғри, у ошириш, ортиқча газлар чиқариш олиб келади, аэроб шароитда тупроқ органик моддалар минерализатсияси ( $\text{CO}_2$ ) ва анаэроб ( $\text{CH}_4$ ) шароитларда. Тупроқ деградатсияси ҳам денитрификациядан  $\text{N}_2\text{O}$  эмиссиясини оширади. Билвосита, тупроқ деградатсиясига мос равишда биомасса самарадорлиги камаяди, сифати ва биомасса миқдори га таъсири ортади<sup>1</sup>.

Инсоннинг тупроққа фаол таъсир кўрсатиши натижасида, унинг хосса – хусусиятларининг ўзгариши, унумдорлигининг ошиши ёки пасайиши, шўрланиши, эрозияланиши, дегумификацияси каби жараёнларининг юзага келиши ер ресурсларини муҳофаза қилишда аввалгидан ҳам эътиборли бўлишликни тақозо этади. Мустабид тузум даврида мамлакатимиз ер бойликларидан интенсив усулда, жуда катта харажат ва исрофгарчиликлар йўли билан фойдаланилганлиги, ер майдонларининг шўрланиши ва эрозияга учраши ҳолатлари экологик мувозанат бузилишига олиб келган. Натижада тупроқ унумдор қатламининг емирилишига сабаб бўлиши билан бир қаторда, бир қанча ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий муаммоларни келтириб чиқарган.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш кўп жihatдан унинг муҳим хусусиятларини қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга боғлиқ. Шу боис, бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланган тупроқлар деградациясининг олдини олиш ҳамда унинг оқибатларини бартараф этишда энг аввало тупроқлардан оқилона фойдаланиш, унинг унумдорлигини ошириш, сифатини, иқтисодий баҳосини, муҳофазасини билиш, ҳар хил ўсимликларни тупроқ ҳолатига кўра илмий асосланган ҳолда кетма-кет экиш, тупроққа тўғри ишлов бериш талаб этилади. Тарихий давр мобайнида инсоният тахминан 2 млрд. га ҳосилдор ерларни йўқотилишини, тупроқлар унумсиз ерларга ва антропоген саҳроларга айланишини тупроқлар деградацияси жараёнининг глобал ва турли туман хусусиятидан дарак берадиган маълумотларга қўшиш мумкин.

Республикаимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 20473,5 минг. га ни ёки республика умумий ер майдонининг 46,1 %ни ташкил этади, шундан суғориладиган ерлар майдони 4212,2 минг. га. қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг 11123,7 минг. гани пичанзор ва яйловлар ташкил килади. Шундан, 42,6 минг. га суғориладиган яйловлар.

<sup>1</sup> Soil degradation in the United States: extent, severity, and trends/ Rattan Lal, Terry M. Sobecki, Thomas Iivari, John M. Kimble. 2004.2 бет

Ўзбекистон Республикаси умумий ер фондининг 52,8 % ни ювилмаган ва ювиб келтирилган, 15,7 % ни турли даражада ювилган ерлар ташкил этади. Шунингдек, республика умумий ер майдонинг 22,2 % ни шўрланмаган ерлар (ювилганлари билан), 46,3% ни турли даражада шўрланган ерлар ташкил этади.

Ушбу шароитлари ва инсон фаолияти натижасида юзага келади.

### **Буларга асосан;**

Чўлланиш, ўрмонларнинг кесилиши ва бошқалар.

Иккиламчи шўрланиш ва суғориш натижасида ортикча намланиш.

Тоғ ва тоғ олди худудларидаги сув ва ирригацион эрозия.

Дефляция, шунингдек, чорвачилик жадал ривожланган худудлардаги яйловлар дегрессияси.

Ерларнинг қишлоқ хўжалиги ва саноат сохаларида ўзлаштирилиши натижасида техноген чўлланиш.

Хаддан зиёд агрохимикатлар кўллаш, саноат ва маиший чиқондиларни ташлаш, бир хил экин экиш оқибатларида тупроқ унумдорлигини пасайиши ва ифлосланиши.

Орол денгизининг қуриши ва тузли чанг аэрозол тупроқ юзасига ўтириши натижасида тупроқлар шўрланиши кам деградация жараёнлари киради.

Табиий ресурслар ичида ер алохида ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга бўлиб ундан илмий ва амалий асосланган ҳолда тўғри фойдаланишни ташкил этиш қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни алохида муҳофазасини таъминлаш лозимлигини тақозо этади.

Тупроқ ернинг бош қатламини ҳосил қилади уч ўлчовли органи ҳисобланадиган қобиқ. Бу қатлам ҳар ер усти ҳаёт кўллаб-қувватлайди, тозаловчи филтрлар ва сув, биодеградес поклайдиер усти-сув экологик тизимлар ўртасидаги ифлослантирувчи газсимон алмашиш ва атмосфера. Бу барча табиий ресурслар ва бирламчи энг асосий ҳисобланади. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун ўрта. Саноат хом ашё манбаи ташқари ва фуқаролик тузилмалари учун пойдевор, у ҳам сайёра тарихи ва бир архив ҳисобланади ишлаб чиқилган гермпласм ёки сеедбанкнинг жиҳози. Муддатли тупроқ ресурс манфаатли сифатида белгиланган активлар ва тупроқ учун мўлжалланганлигини фойдаланиш билан боғлиқ хусусиятлари. Тупроқ барқарор бошқариш атрофлича тушунишга боғлиқ унинг сифатлари, жараёнлар унинг экотизим хизматларини ёки карасал вазифаларини мўътадил аҳамияти, ва атроф-муҳит билан ўзаро орқали содир ўзгаришлар.



## Тупроқ муҳим сифатлар қуйидагилар киради:

“Бу асрларга ўн йилликлар инсон вақт ичида тикланмайдиган ҳисобланади.

Бу тенг пейзаж орқали ва биомасса/экология ўртасида тақсимланади.  
Бу нотўғри ва нотўғри мойил бўлади”<sup>2</sup>.

Шундай экан, тупроқнинг унумдорлигини ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш кўп жихаталодан унга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлишга, ва уни яхшилашга қаратилган тадбирлар тизимига боғлиқдир. Бу тизим тупроқ унумдорлигини соқлаб қолиш ва ошириш учун агрохилма-хилликни, биосферани сақлаб туриш учун зараурдир.бу борада академик А.П.Виноградовнинг; “Бугунги кунда биосферади таъллуқли нарсаларнинг хаммаси энг аввало ернинг тупроқ қатламига таъллуқлидир”,- деб таъкидлагани таъсодифий эмас. Дархақиқат , одамларнинг тақдири кўп жихатдан ер ва тупроқ тақдирига боғлиқдир.

Хусусан, 22-апрел куни- Халқаро ер куни,5- декабр куни эса- Халқаро тупроқлар куни дея эътироф этилгани инсонларнинг ер ресурсларига бўлган муносабатини етакчи ўринда эканлигадан далолат беради. Маълумки, Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ қишлоқ хўжалиги эҳтиёжалари учун ажратилган ерлар борасидаги мукамал ҳуқуқий асослар яратилган ва улар тобора такомиллаштирилиб келинмоқда.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда экологик муаммоларини юартараф этиш ишларида, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида пухта ўйлаб амалга оширилаётган аниқ мақсадли туб ислохатлар аграр ва иқтисодий муносабатларни ислох қилишга қаратилаган қонунлар ва улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг тўла ижро этилишини таъминлаш, шунингдек ерлардан қатъий мақсадли ва асраб- авайлаб фойдаланиш, суғориладиган экин майдонлари муомиладан чиқарилишига йўл қўймаслик, уларнинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва муттасил ошириб боришда ҳам ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Республикамизда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида” қонуни.

<sup>2</sup> Soil degradation in the United States: extent, severity, and trends/ Rattan Lal, Terry M. Sobecki, Thomas Iivari, John M. Kimble.2004, 3бет.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 22 майда 926-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалик ерларини консервация қилиш тартиби тўғрисида” низом

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида” низом

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрь “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3932-сон фармони

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 ноябрдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳаларни шакллантириш, ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида” низом

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрель “2013 — 2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1958-сон қарори

8. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 20 майдаги 10, 6/1, 2-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ташқи муҳандислик коммуникацияларига уланиш имконияти бўлган суғорилмайдиган ҳамда унумдорлиги паст қишлоқ хўжалиги ер участкаларини аниқлаш” қоидалари

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 августдаги 234-сон қарори билан тасдиқланган “Махсус индустриал зоналар қатнашчиларига ер участкалари бериш тартиби тўғрисида” низом

10. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2013 йил 30 октябрдаги 21-сонли қарори билан тасдиқланган “Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида”ги низом

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 октябрдаги 301-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ аҳоли пунктлари ерларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида” низом

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрь “Фермер хўжалиklarини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сон қарори

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февраль “Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжалиklarини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 15 декабрдаги 362-сон қарори)” 34-сон қарори

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкор технологиялар – бу асосан ерга турли ишлов бериш (шудгорлаш, чизел қилиш, бороналаш ва бошқа агротехник тадбирлар)ни камайтириш ёки иқтисодий сарф харажатларни тежаш, орқали қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш маъносида талқин қилинади. Тупроқни ҳимоя қилиш - тупроқ юзасини бирор полиэтилен пленка, ўсимлик қолдиғи, яшил сидератлар, ҳар хил компостлар, гўнг ёки бошқа органик қолдиқлар билан қоплаш ёки мульчалаш маъносида ишлатилади.

Унумдор тупроқ- бу инсон ҳаёти учун яратилган табиий ресурс , тоза ҳаво, тоза сувдан аҳамияти жихатдан кам бўлмаган буюк неъмат. Француз зоолог-эколог олими Жан-Дорст таъбири билан айтганда тупроқ бизнинг энг қимматбаҳо бойлигимиз. Ҳаёт ва ерни биоценозлари учун қулайлик , табиий ва сунъий ернинг энг устки юпқа қатлами билан боғлиқ инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган барча маҳсулотлар тупроқдан олинади. Шунинг учун биз тупроқни , она заминни асраб-авайлашимиз зарур.

## **2. Ўғитларни комплекс қўллашда экологик хавфсиз технологиялари.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти нинг 1992 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган “Атроф муҳитни ривожланиш” мавзусидаги халқаро конференциясининг қарорида тупроқ муҳофазаси ва ундан оқилона фойдаланиш давлат сиёсатининг марказий бўғини бўлиши кераклиги, тупроқнинг ҳолати инсонларнинг тақдирини белгилаши ва атроф-муҳитга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши таъкидланган. Айрим маълумотларга қараганда , бугунги кунда дунё бўйича эрозияга, дефляцияга учраган ва

хавфли дефляцияга мойил қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган майдонлар 50 фоиздан кўпчиликни ташкил қилмоқда.

Ер деградацияси деган аниқ бир тушунча йўқ, чунки кўп ерларнинг устки қисми тупроқ қатламига эга, шунининг учун бир вақтнинг ўзида тупроқ деградацияси ер деградацияси деб ҳам юритилади. Қуйида бир қатор мазмуни бир бирига яқин бўлган таърифлар келтирилган.

“Тупроқ деградацияси- бу инсон фаолияти таъсиридаги жараёнлар йиғиндиси ва тупроқнинг инсонлар ҳаётини қўллаб-қувватлайдиган қобилиятини камайтиришидир”(Guidelines for General Assessment.1988)

“Тупроқ деградацияси ва ер табиий ва антропоген жараёнлар йиғиндиси ва тупроқнинг физик функциясининг ёмонлашиши, ерларнинг табиий ишлаб чиқариш ахамиятининг пасайишига олиб келади”( методика определения размеров ущерба и деградация почв и земель,1994).

“Тупроқ деградацияси- тупроқ деградацияси- худди жараёндек белгиланиб, махсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиши аниқ ва / ёки тупроқнинг потенциал қобилиятининг сифат ёки миқдор жihatдан пасайишидир” (Glass.1979)

“Мустаҳкам антропоген ёки табиий салбий жараёнлар хусусиятига эга бўлган махсулдорликнинг пасайишига ёки махсулот сифати ва мос ишлаб чиқариб даражасини тиклаш учун харажатларнинг ошиши тупроқларнинг деградацияси хисобланади”(Герасимов ва б.2003).

“Тупроқ деградацияси- бу тупроқ тизими вазифаларнинг ўзгариши ёки таркиби ва қаттиқ фазанинг тузилиши ва тупроқнинг бошқариш вазифалари мавжуд натижаларининг экологик мезонлардан четга бурилиши ва барча кўрсаткичлари ҳамда инсон ва биоталар учун муҳим вазифаларнинг ёмонлашишидир”

“Тупроқ деградацияси деганда, барча тупроқ хоссалари, функциялари йиғиндиси,табиий режимлари ҳамда экологик тизимлар элементи сифатидаги тупроқ вазифаларнинг ўзгариши нинг жараёнлари ва натижалари тушунилади”(Кармонов, Булгаков., 1998).

Деградация сўзи поляк тилидан олинган бўлиб, (Degradaya- лотин тилида эса диградацион)”секин-асталик билан камайиш” ва “пастга кетиш” деган маънони англатади.

Тупроқ деградацияси- бу жараёнлар йиғиндиси бўлиб, улар тупроқларнинг функциясини ўзгаришига,хоссаларнинг миқдор ва сифат

кўрсаткичларнинг ёмонлашишига ва унумдорлигининг пасайишига олиб келади, яъни табиий ва антропоген омиллар таъсирида элементларнинг экологик тизимида тупроқларнинг турғун хоссаларининг бузилиши , хўжалик нуқтаи назаридан баҳосининг тушиши ва самарадорликнинг пасайишидир.

Ернинг устки қисмида тупроқ қопламига эга бўлмаган ерлар ( кумлар, очик тоғ жинслари, қиялик хосилалари ва б.) назарий жihatдан деградация учрамайди ёки кучсиз деградация таъсирида бўлади. Шу сабабли ер деградацияси ёки тупроқ деградацияси деб юритилади.

Кўп ҳолатларда “тупроқ қопламининг деградацияси” термини ишлатилади. Кенг ва аниқ маънода (ДҚД) фойдаланиладиган (жумладан қишлоқ хўжалигида) ерларнинг функционал тавсифининг ёмонлашиши , табиий шароитда ўзгариши, табиатдаги фойдаланиш тизимига мослашиши, тор маънода эса қишлоқ хўжалигида фойдаланиш шароитининг ёмонлашиши табиий ва техноген омиллар таъсирида иқтисодий самарадорлигининг камайишига етакловчи ёки хўжалик юритиш тизимида пайдо бўлаётган экологик хавфсизликни англатади.

## **2. Инновацион жараёнлар, тупроқшунослик ва агрокимёда инновация типлари.**

Қишлоқ хўжалик ерларида тупроқ унумдор қатламининг деградацияга учрашини олдини олишга қаратилган ишлар давлатимизнинг доимий эътиборидан ва бу борада қабул қилинган қатор давлат дастурлари асосида кенг залворли ишлар амалга оширилмоқда ва ҳукумат томонидан мунтазам равишда амалга ошириб келинаётган кенг қамровли амалий чора тадбирлар асосида қишлоқ хўжалик ерлари билан боғлиқ муносабатлардага муаммоли вазиятлар ўзининг ижобий ечимини топмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2007-йил 29- апрелда қабул қилинган “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган “ ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисида”ги инсон мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга оид ўзгаришларни изчил давом эттириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқоролик жамиятини шакиллантириш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси тупроқлари ва ер ресурсларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш , тупроқ деградацияси омиллари ва турлари тўғрисидаги маълумотлар

тизимлаштириш, тупроқларнинг деградациясига учрашининг физик, кимёвий ва микробиологик омиллари ва жараёнлари, уларнинг баҳолаш методлари, тупроқларнинг деградациядан учрашдан химоя қилиш йўллари хусусиятлари пухта кўриб чиқиш, тупроқлар эрозияси, шўрланиши, чўлланиши, иқлим ўзгариши каби салбий омилларнинг тупроқлар, шу жумладан суғориладиган тупроқларнинг хоссаларга таъсири, масалалари, Ўзбекистон Республикаси тупроқларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўлими (ФАО) нинг “Ер ва сув ресурсларининг деградацияси – озиқ-овқат хавфсизлигига кучаювчи таҳдид” мавзусидаги маърузасида (2011 йил) кўрсатилишича ер ва сув ресурсларининг кучайиб бораётган деградацияси бутун жаҳоннинг асосий озиқ-овқат тизимларига таҳдид қилмоқда ҳамда 2050 йилга келиб 9 млрд кишини ташкил этиши мумкин бўлган бутун жаҳон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш вазифасини мураккаблаштирамоқда.

Маърузада тарихда биринчи марта планетамиз ер ресурсларига глобал баҳо берилган. Ҳозирги кунда барча турдаги фойдаланиладиган ерларнинг 25 % и кучли, 8% и ўртача таназулга учраган, 36 % ерлар барқарор ёки жуда кучсиз таназулга учраган ва 10% и яхшиланиб бораётган ерлар қаторига киради. Тахминан 18% ер ресурслари бўш ерлар, 2% и ички сувлар билан қопланган.

Маърузада кўрсатилишича бутун дунё учун биохилма-хилликни йўқотиш ва сув ресурсларининг камайишидан кейинги энг жиддий хавф тупроқ сифатининг ёмонлашишидир.

Ҳақиқатдан ҳам ер халқнинг, давлатнинг энг катта бойлиги. Ризқ-рўзимиз манбаи, биздан кейин қоладиган авлодларимиз давомийлиги, мамлакатимиз қудрат таянчи ҳам она ердир. Шу билан бирга республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, кучли ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишнинг энг муҳим омилларидан бири мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қайта тиклашдир.

Тупроқнинг физикавий бузилиши жисмоний бузилиши жараёни ҳажми муносабатлар, ҳаво учун тупроқ массасини таъсир сув муносабатлар, тупроқ ва атмосфера ўртасида газсимон алмашиш ва ҳаво ва сув бузиладиган кучларига қарши қаршилиқ. Бу жараёнлар тупроқнинг таъсир жисмоний, механик, геологик (оқими), ва гидрологик хусусиятлари. Асосий физик деградация жараёнлар деб белгиланган:

тувроқ тизимини тақсимлаш - мутаносиб ва рН кучи / барқарорлик бир камайтириш агрегатлари

Слакинг - агрегатларнинг дисперсияси сувда тез ботириш ҳақида

Кабукланма ёки сирт ёлқеклема - характерланади тувроқ юзасида юпқа қобиғининг шаклланиши сув ва ҳаво юқори куч ва кам ўтказувчанлиги томонидан

Фаоллаштириш - умумий ғоваклиги ҳам камайишига олиб борувчи тувроқ қисми зичлиги ортишива масропороситй. Анабиоёз - Олинган хажми камида 10% учун шамоллатиш ғоваклиги камайиши ўсимлик илдизларига кислород етишмаслиги (O<sub>2</sub>) билан Эрозия - отряди, бузилиши, транспорт ва тувроқ зарралари қайта тақсимлаш орқали сув (ёмғир, жойга жамланганда, оқим, оқим, музликлар), шамол, ёки тортишиш кучлари. Суверозия жойга жамланганда, САС эрозияси, арик эрозияси, эрозия бўлиши мумкин, қаттиқ жарлик эрозияси томонидан оқими, ёки эр билан таъминлаш деформатсиялар.

“Чўлланиш- сув, шамол ва бошқа томонидан жадал эрозияси тувроқ деградацияси чўл-каби тажовуз учун этакчи арид ва рўмол худудларда жараёнлар) шароитлар”<sup>3</sup>.

Тупроқ кимёвий деградацияси жараёнлари, тувроқ реакция ёки пх нокулай ўзгаришларга қарангзахираларининг камайиши ва ўсимлик озик моддалар мавжудлиги, қобилияти заҳарли яксон қилиш моддалар, илдиз зонасида тузларнинг ортиқча пуллари дан камайтириш ва. асосий кимёвий куйидагича жараёнлари:

Оксидлаш-асосларини эритмага ёки асидпродусинг кўшилиши оқибатида тувроқ рН пасайиши ўғитлар.

Озиқлантирувчи камайиш - муҳим ўсимлик озуқа (масалан, Н, Р, К, Са, Мг олиб ташлаш, Анорганик билан тўлдириш ҳолда териш ўсимликлар ёки ҳаддан ташқари эритмага томонидан Zn) ёки органик тузатишлар Тохифисатион - бир даражага баъзи элементлар (масалан, Ал, Мн, Фе) ортиқча пуллари дан дебўсимликлар заҳарли ҳисобланади Шўрланиши - илдиз зонасида эрувчан тузларнинг ортиқча пуллари дан электр бундайтўйинган базасини ўтказувчанлик 4 ДС / см (1.6 Плиталар) ошиб Алкализатион ёки содисатион - илдиз содис тузлар (На ион) нинг афзаллик > 8.5 15 натрий ютилиш нисбати (САР) ва тувроқ рН олиб зонаси

<sup>3</sup> Soil degradation in the United States: extent, severity, and trends/ Rattan Lal, Terry M. Sobecki, Thomas Iivari, John M. Kimble. 2004, 6бет.

ифлосланиши ифлосланиши - саноат, шахта чиқиндиларни ариза ва шаҳар ифлослантурувчи тупроққа<sup>4</sup>.

Тупроқ биологик бўлиниши-тупроқ биологик жараёнлар ўзгаришлар тупроқ деградацияси ошириш ва салбий мумкин. Тупроқ SOC ҳовуз фаолияти ва турлари хилма-хиллиги миқдори ва сифатига таъсир биота ва соилборне патоген микроорганизмларга нисбатан мутаносиб равишда ошириш. бундай тавсифловчи ўзгаришлар бўлади:

“Тупроқ органик углерод камайиш - умумий ва микроб биомасса углерод бир камайтириш, SOC ҳовуз айланмаси курси ўзгаришлар тупроқ биологик хилма-хилликни камайиши - бир фаолият қисқартириш ва қулай махсус хилма организмлар (масалан, ёмғир чувалчанглари) ва турлари таркибда шифт Тупроқ физик, кимёвий ва биологик жараёнлар деградативе бири билан ўзаробошқа, ва биомасса ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитга салбий таъсирини кучайтириши агрономик экинлар, яйлов ва ўрмон хўжалиги унумдорлигини камайтириш ташқари, тупроқ деградацияси, сув органлари ифлосланиши ошириш ва ҳаво сифатини пасайтириш мумкин”<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ер турларидан бири - экин ерларидир. Республика бўйича экин ерлар жами 4064,7 минг гектарни шу жумладан, суғориладиган экин ерларнинг умумий ер майдони 3307,3 минг гектар ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг 16,2 фоизини ҳамда лалми экин ерларнинг умумий ер майдони 757,4 минг гектарни ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг 3,0 фоизини ташкил этади.

Суғориладиган экин ерларида пахта ва буғдой каби стратегик аҳамиятга эга бўлган экинлар ҳамда аҳоли таъминоти учун зарур бўлган сабзот, полиз ва боғдорчилик-узумчилик маҳсулотлари, чорва учун ем-хашак ва озуқа маҳсулотлари ва бошқалар етиштирилади. Шу сабабли бу ерлар алоҳида аҳамиятга эга ерлардир.

Республикамизда суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, улар унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор фармонлари, фармойишлари ва қарорлари қабул қилинди.

---

<sup>4</sup> Soil degradation in the United States: extent, severity, and trends/ Rattan Lal, Terry M.Sobecki, Thomas Iivari, John M. Kimble.2004, 8 бет.

<sup>5</sup> Soil degradation in the United States: extent, severity, and trends/ Rattan Lal, Terry M.Sobecki, Thomas Iivari, John M. Kimble.2004, 8-9 бет.



Қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш энг устивор йўналиш этиб белгиланиши муҳим қадам бўлди. Унинг натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган. Коллектор-дренажлар таъмирланиши натижасида, сизот сувлари ер сатҳидан 2 м ва ундан баланда жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга камайган.

Ушбу ишларнинг амалга оширилиши, қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида 2015 йилда мураккаб обу-ҳаво шароитларига қарамадан пахта ва ғалладан салмоқли ҳосил олинди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида кейинги йилларда ҳам экин майдонларини оптималлаштириш, замонавий агротехнологияларини жорий этиш натижасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган, ғалла, мева, узум, сабзавот, сут, гўшт етиштиришни сезиларли даражада ошириш вазифаси турибди.

Тупроқ ресурсларидан самарали фойдаланиш, унинг унумдорлигини тиклаш учун доимий кузатулар, тупроқ тадқиқот изланишларини олиб боришни тақозо этади. Бу борада қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

-тупроқлар ривожланишининг (эволюцияси) генетик-гоеграфик ўзига хослигини, тупроқ қопламанинг трансформациясини тадқиқ этиш;

-тупроқлар классификациясини, систематикасини ва номенклатурасини такомиллаштириш;

-тупроқларда шўрланиш, шўртобланиш, эрозия, гумификация ва дегумификация, агрохимёвий, агрофизикавий, биологик ва экологик жараёнлар қонуниятларини ўрганиш, турли табиий зоналар учун тупроқ сув, ҳаво, озуқа, туз режимларини оптималлаштиришнинг самарали услуб ва технологияларини яратиш;

Юқори технологияларга асосан деҳқончиликни ташкил этиш тупроқлар унумдорлигини сақлаш, ошириш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари қуйидаги мутахассисликлар бўйича кадрларга талабни оширади: “Тупроқшунослик”, “Агрохимё”, “Геоботаника”. Мутахассисларни тайёрлаш амалдаги олий ва ўрта махсус таълим тизими (М.Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети, ТошДАУ ва бошқалар) асосида, ўқув муассасаси билан “Ергеодекадастр” давлат кумитасининг ўзаро шартномаси бўйича амалга оширилиб, бунда ўқув дастури ҳам ўзаро келишиб олинади, ўқиш жараёнининг маълум қисми эса бевосита ишлаб чиқаришда ўтади.

Ҳодимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ҳар йили қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил қилиш кўзда тутилади. Бундан ташқари

мутахассислар янги йўналишлар ва технологиялар бўйича чет элларда стажировкадан ўтишлари зарур.

Тупроқлар унумдорлигини қонунчилик йўли билан таъминлаш ва уларни муҳофаза қилиш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир. Чунки табиий ресурслардан, жумладан тупроқлардан оқилона ва самарали фойдаланиш асосида республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда мамлакатимиз озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда амалда бўлган ҳуқуқий нормалар тупроқ унумдорлигини бошқариш, назорат ва муҳофаза қилиш соҳаларида етарлича самарали эмас.

Тупроқнинг ноёб хусусияти бўлган-унумдорликни сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ва муҳофаза қилиш ва ҳайдалма ерларни, яйловларни ва бошқа ер-сув ресурсларининг маҳсулдорлигини кўпайтириш, улардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, таъсирчан назорат ўрнатиш ҳамда ҳамма ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни уларнинг хўжалик юритиш мақсадида алоҳида **“Тупроқ унумдорлиги тўғрисида”**ги қонун даражасида ҳуқуқий асос яратиш зарур.

**“Тупроқ унумдорлиги тўғрисида”**ги қонунда тупроқлар унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва оширишнинг ҳуқуқий асослари белгиланади, бу соҳада бошқарув ва назорат бўйича давлат органлари вазифалари, тупроқлар структураси ва ҳолатига таъсир кўрсатувчи субъектлар ҳуқуқи ва жавобгарликлари ҳамда уларнинг бузилишига маъсулликлари аниқланади.

**“Тупроқ унумдорлиги тўғрисида”**ги қонуннинг асосий вазифалари бўлиб, тупроқлар унумдорлигини сақлаш, уларнинг фойдали хоссаларини ошириш ва тупроқлар унумдорлигини пасайтирувчи омил ва воситалар таъсирини чеклаш, агрохимикатлар, саноат ва маиший чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олиш, саноат, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва бошқа фаолиятлар босимини камайтириш. Шу билан бирга тупроқлар реабилитацияси ва рекультивациясини таъминлаш, деградацияланган, ифлосланган ва бузилиб кетган тупроқларни аҳоли соғлиги ва фаровонлиги, атроф-муҳит, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига салбий таъсирини бартараф этишдир.

Қонунда тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва яхшилаш соҳасида давлат бошқаруви шартларини аниқлаш ва ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларининг қонунчилик талабларини бажаришларини назорат қилиш ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади.

Бундан ташқари, тупроқнинг унумдор қатламини сақлаш, ерлар рекультивацияси, лойиҳалар экспертизаси, тупроқ сифатига таъсир этувчи воситалар ва технологиялар, тупроқ унумдорлигининг давлат мониторинги, агрокимёвий хизмат, тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи ёки тупроқ сифатини ёмонлаштириш натижасида келтирилган зарарни қоплаш ва тупроқлар унумдорлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузишга жавобгарлик шартлари аниқланади. Тупроқлар унумдорлигини ошириш ва сақлашни рағбатлантириш иқтисодий механизмига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

**“Тупроқ унумдорлиги тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши хусусийлаштириш ва бозор муносабатларининг кўп хиллик шакллари шароитида тупроқлар унумдорлигини сақлаш, ошириш ва муҳофаза қилишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини яратади.

Ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш бўйича юқорида зикр қилинган тадбир ва тақлифларни амалга ошириш – табиат иноми-тириклик манбаи бўлган Она тупроқни асраб-авайлаш, уни муҳофаза қилиш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Агар тупроқ ривожланиши ва унумдорлиги шаклланиши қонуниятлари ўрганилиб, атроф-муҳитга шикаст етказмасдан, экологик мувозанатни бузмасдан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ташкил этилса, унинг унумдорлиги камаймайди, аксинча ошиб боради. Натижада эса Республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, келажак авлодларимизга соғлом унумдор тупроқларни қолдириш имконияти яратилади.

### **3.1.Тупроқ унумдорлиги ва унинг категориялари.**

Тупроқ унумдорлигини категориялари- табиий, сунъий, потенциал, эффектив, нисбий, иқтисодий унумдорликла ҳақида. “Тупроқ деградацияси- бу инсон фаолияти таъсиридаги жараёнлар йиғиндиси ва тупроқнинг инсонлар ҳаётини қўллаб-қувватлайдиган қобилиятини камайтиришдир”<sup>6</sup>.

“Тупроқ деградацияси ва ер табиий ва антропоген жараёнлар йиғиндиси ва тупроқнинг физик функциясининг ёмонлашиши , ерларнинг табиий ишлаб чиқариш ахамиятининг пасайишига олиб келади”. Тупроқ унумдорлигини тиклаш экинлар ҳосилдорлигини

<sup>6</sup> (Guidelines for General Assessment.2010

оширишда инновацион технологияларни ахамияти. Тупроқ деградацияси куйидаги турларга бўлинади;

1.Физик ва механик деградация. Тупроқ гранулометрик таркибининг ўзгариши билан тупроқ материалларининг ёмонлашиш жараёни кузатилиши , тупроқ қатламларининг назоратсиз қолиши , уларнинг зичлашиши , хаво ва сув режимларининг бузилишидир.

2.Кимёвий ва физикавий деградация.

Тупроқнинг кимёвий ва физикавий деградацияси – бу тупроқ сингдириш сиғимидаги жараёнлар, жумладан кислоталик- ишқорийлик хоссаларини , оксидланиш ва қайтарилиш потенциалини , макро ва микроэлементларни ҳамда ўсимликлар учун зарур бўлган хаёт элементларининг салбий томонга ўзгаришидир.

3. Биологик ва биокимёвий деградация . биологик ва биокимёвий деградация- бу тупроқ органик қисмининг ўзгариши ва сифатининг ёмонлашиши, тупроқ организмларини сифат ва миқдор таркибининг салбий томонга ўзгаришидир.

Тупроқ деградациясининг ўзига хос турларидан бири – тупроқнинг захарли кимёвий ва органик бирикмалар, оғир металллар нефт ва нефт маҳсулотлари ҳамда радиоактив элементлар билан ифлосланишидир.

Тупроқ деградациясининг асосий турларига; тупроқнинг физикавий, физик кимёвий , биологик хоссаларига , хаво, сув ва иссиқлик режими салбий таъсир этувчи, эрозия, дегумификация жараёнлари, қатламларининг зичланиши, кислоталикнинг ортиши, иккиламчи шўрланиш, ботқоқланиш кабилар қиради.Тупроқ деградациясининг даражалари; Тупроқ деградациясининг барча турлари хар хил даражада бўлиши мумкин, яъни икучсиздан кучлигача ва х.к. тупроқ деградацияси миқдор кўрсаткичлари ёрдамида аждралиб туради ёки сифат белгилари кўринишида ҳам бўлади.

Тупроқ деградацияси куйидаги типларга бўлинади;

1. Технологик (ердан узоқ муддат фойдаланиш)
2. Тупроқ эрозияси
3. Шўрланиш
4. Ботқоқланиш
5. Тупроқнинг ифлосланиши
6. Чўлланиш(курғокчилик)

Атроф-мухит ва тупроқ қопламининг деградациясини баҳолашда айрим олимлар томонидан таклиф қилинган куйидаги градациядан фойдаланиш мумкин.

## Атроф-табiiй мухит дeгpадациясининг гpадацияси.

№	Атроф-мухит холатининг бузилганлиги	Атроф-табiiй мухит экологик сифатининг бузилиш даражаси.
1.	Жуда кам; Атроф-мухит бузилмаган	Шартли нол
2.	Паст;табiiй мухит бузилган, лекин маълум босим шароитида ўзини-ўзи қайта тиклаши мумкин.	Паст
3.	Ўртача; табiiй мухит бузилган, унинг ўзини-ўзи қайта тиклаш хусусияти маълум босим кучи пасайганда бўлади.	Ўртача
4.	Юқори; табiiй мухит кучли бузилган,ўзини-ўзи қайта тиклай олмайди.	Юқори
5.	Жуда юқори; табiiй мухит қайтарилмас даражада бузилган, қайта тикланиши мумкин эмас	Ўта юқори.

Куйидаги 1- расмда экосистемада (тупроқда) умумий кўринишда дeгpадация ходисасини намоён қилувчи таъсир турлари келтирилган.

### 3.2.Тупроқ дeгpадациясининг асосий турлари ва сабаблари.

Тупроқнинг дeгpадацияга учрашининг асосий сабаби-бу табiiй иқлим- иқлимий омиллар ва инсон фаолияти натижасида ерларнинг чўлланишига ва таназуллига олиб келади. Булар жумласига;

- чўлланиш , ўрмонсизлашиш ва б.,
- суғорма дeхқончилик шароитларида ернинг иккиламчи шўрланиши, сув ва зах босиши;
- тоғ ва тоғ олди худудларидаги тупроқларнинг сув ва ирригацияси ва эрозиясига учраши;
- интенсив кўчма чорвачилик худудларида яйловлари дeгpессия ва тупроқлар дефляцияга учраши;
- ерларнинг қишлоқ хўжалиги ва саноатда ўзлаштиришади техноген чўлланиши;
- агрокимёвий воситалари қўлланиши саноат ва маиший чиқиндиларни ташланиши ва зироатчиликдаги яккахокимлик натижасида тупроқнинг ифлосланиши хосилдорликнинг йўқотилиши;

- орол денгизининг қуриши ва туз-чанг тўзонлари, аэрозол ва бошқаларнинг тупроқ юзасига ўтириши хисобига тупроқларнинг шўрланиши.

Бундан ташқари, тупроқ ва ерларнинг деградацияга дучор бўлишида қуйидаги жараёнлар ва тадбирлар асосий роль ўйнайди;

7. Минерал ва органик ўғитлар ҳамда пестицидларнинг нотўғри қўлланилиши.

Тупроқларда юқори миқдорда минерал ўғитлар ва пестицидларнинг қўлланилиши тупроқ структурасига ва айрим хоссаларига салбий таъсир қилиб уни эрозияга мойил бўлишига олиб келади.

8. Мелиоратив ишлар. Мелиоратив ишларни нотўғри технологиялар асосида олиб бориш натижасида тупроқларнинг гумусли қатламини камайтиришга ва тупроқнинг унумдор қатламига, тупроқ хосил қилувчи она жинс махсулотларни аралашиб кетишига олиб келади.

9. Ўрмон қурилиш металлари тайёрлаш. Ўрмон қурилиш материаллари тайёрлаш вақтида техникаларнинг ҳаракати ўрмон қурилишида у билан гумус ҳам чиқиб кетади, натижада тупроқларнинг устки гумуслари қатлами йўқолади.

10. Ўрмон ёнғини. Ўрмонларда ёнғин содир бўлганда ўрмон билан бирга ўрмон қийи, ўсимлик қопламига салбий таъсир қилади ва натижада тупроқнинг гумусли қатлами йўқолади.

11. Қўриқ ва торфли тупроқларнинг ёниши. Қўриқ ва торфли тупроқларда ёнғин содир бўлганда тупроқларнинг тўлиқ органик қисми ёниб кетади.

Тупроқ деградацияси ва яна қуйидаги турларни ўз ичига олади эрозия жараёнлари тупроқ фаунаси ва флорасига салбий таъсир қилади яъни ўсимлик қоплами ўзгаришга учрайди, тупроқ унумдорлиги пасаяди ва натижада чўлланиш жараёни вужудга келади. Бундан ташқари кучли шамолмузликларнинг силжиши кўчклар дарё тошқинлари, вулқонлар, ер силкиниши, тайфун, цунами ва бошқа эрозия келтириб чиқарувчи кучлар мавжуд.

Тупроқларнинг унумдорлигига салбий таъсир этувчи асосий жараёнлардан бири- сув ва ирригацион эрозиясидир. (Кузнецов, 1989, 1996). Ирригация эрозияси асосан суғорма типик ва тўқ тусли бўз тупроқли ерлар мойил бўлади.

Бу майдонларнинг ярмига яқини бўлакланган рельефли жойлар ва уларда ирригация эрозияси ривожланиши эҳтимоли чўл худудларидагига нисбатан кўпроқдир. Тупроқларнинг ювилиш қиялик 1-2<sup>0</sup> га етганда

бошланиб, қиялик ошган сари эрозия жараёни жадаллашади. (Атроф-мухит холатининг шархи, БМТ, 2010).

Энг хавотирлиси шундаки, ирригация эрозияси натижасида тупроқлардан гумус ва озиклантирувчи моддалар йўқотилади. Бунинг оқибатида, қишлоқ хўжалик ер айланмасидан қимматбаҳо суғориладиган ерлар чиқмоқда. Бундан ташқари, тупроқларга солинадиган ўғит ва захарли кимёвий моддаларнинг учдан бир қисми тупроқдан ювилиб, сув хавзаларида йиғилади ва атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатади. Тупроқ деградациясини тезлаштирувчи омилларга қуйидагиларни келтиришимиз мумкин.

- тупроқнинг юқори унумли қатлами ва ундаги озуқа моддалари йўқолади.

- сизот сувлари сатхининг кўтарилиши натижасида шўрланиш жараёни юзага келади.

- тупроқларнинг физик хоссалари ўзгаради.

- тупроқдаги тирик организмлар дунёсининг биомассаси ва биохилма-хиллиги камаяди.

- захарли кимёвий препаратлар тўпланади.

Тупроқ физик хоссаларининг салбий томонга (ёмонлашиши) ўзгариши, биринчи навбатда структурасининг ва қатламларининг бузилиши натижасида сув, хаво ва озиқа элементларрежимининг ёмонлашиши тупроқнинг физик деградацияси деб тушунилади.

Тупроқ холатининг физик деградацияси нисбатан кенг тарқалган. Тупроқнинг физик деградацияси органик гумус аккумуляция қатламининг камайиши ёки бошқа тупроқ қатламларининг камайиши ёки бошқа тупроқ қатламларнинг ёки тўлиқтупроқ профилининг йўқлоши (механик деградация), яъни тупроқ профили механик бузилиши аниқ физик хоссаларининг ўзгариши бўйича қайд қилинади.

Кўпгина тупроқлар учун бир қатор бир-бирига боғлиқ бўлмаган физик холати ва физик деградация холатини етарли тавсифланишини аниқлашда қуйидаги мезонлардан фойдаланиш мумкин:

- ғовакларнинг тузилиши ёки агрегатларнинг ғоваклиги ёки қуруқ холатдаги бўлакчалари (фрагментлари) ўлчамлари, 3-5 мм:

- текстурали букиш, методли-чўкиш текстурали коэффицентини;

- узлуксиз структурали ғоваклик методи- агрегатлараро ғоваклик.

Бу кўрсаткичлар бир-бирига боғлиқ бўлиши мустақил аспектиларининг физик холатини тавсифлайди, улар қабул қилинган халқаро тизимдаги бирликларда ифодаланади ва нисбатан бир-бирига боғлиқ бўлмаган усуллар билан осон ўлчанади.. улар тупроқларнинг механик ва

минерологик таркиби, органик моддалар миқдори, алмашинувчи катионлар таркиби, структура хосил қилувчи(елимлашувчи) цементли коллоидларнинг хоссаси ва тўғридан-тўғри тупроқ структурасининг хусусияти ҳисобланади.

Тупроқ ҳолатининг физик деградациясида муҳим омил унинг кумоқ ва лойли механик таркибли бўлиши, жумладан қишлоқ хўжалик техникаларини тупроқ қатламларини зичлашишига таъсири ҳисобланади. Тупроқ қатламларининг қишлоқ хўжалик техникалари таъсирида ўта зичлашиши тупроқ ҳолатининг физик деградациясида муҳим омил бўлиб у тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келади.

(2-жадвал)

### Тупроқ материалининг йўқотилиши.(Glass.)

Даражалар	Т/га/йил	Мм/йил
Кучсиз эрозия ёки йўқлик	<10	<0,6
Ўртача	10-50	0.6-3.3
Кучли	50-200	3.3-13.3
Жуда кучли	>200	>13.3

### Тупроқ ва ер деградацияси ҳар бир индикатор кўрсаткичи бўйича 5 хил даражада ифодаланади.

- 1.кам деградацияланган.
- 2.ўртача деградацияланган.
- 3.деградацияланмаган (бузилмаган).
- 4.кучли деградацияланган.
- 5.жуда кучли деградацияланган.

### Назорат саволлари:

- 1.Биологик ва биокимёвий деградация қайси жараёнларда намоён бўлади?
2. Кимёвий ва физикавий деградация қайси жараёнларда намоён бўлади?
3. Физик ва механик деградация қайси жараёнларда намоён бўлади?

### Назорат саволлари:

12. “Тупроқшунослик ва агрокимёда янги инновацион технологиялар” модулининг мақсади?



13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойихалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”иги 916-сон қарорининг қабул қилинган санаси ва мазмуни.

14. Бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланган тупроқлар деградациясининг олдини олиш ҳамда унинг оқибатларини бартараф этишда нималарга эътибор бериш керак?

15. Инсон фаолияти натижасида юзага келадиган салбий оқибатлар?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Soil degradation in the United States: extent, severity, and trends/ Rattan Lal, Terry M.Sobecki, Thomas Iivari, John M. Kimble. 2004, )

2. Roy E. Olson From Soil Behavior Fundamentals to Innovations in Geotechnical Engineering merican Society of Civil Engineers USA, 2014

3. Principles of Soil Conservation and Management By Humberto Blanco The Ohio State University, Columbus, OH, USA Kansas State University, Hays, KS, USA and Rattan Lal The Ohio State University, olumbus, OH, USA. 2006

4. Guidelines for General Assessment.2010

5. Деградация и охрана почв,2002

6. Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламлари Атласи, 2010

## **2-мавзу: Тупроққа ишлов бериш ва ўғитларни комплекс қўллашнинг экологик хавфсиз технологиялари.**

### **Режа:**

- 1.Тупроққа ишлов беришнинг самарали технологиялари.
- 2.Ўғитларни комплекс қўллашда экологик хавфсиз технологиялари.

**Таянч иборалар:***Тупроқ самарали технологиялар, экологик хавфсиз технологиялари, ўғитлар, унумдор тупроқ, тупроқ деградацияси унумдорлигининг пасайиши, мақсадли йўналтирилган, мақсадсиз йўналтирилган, антропоген омиллар, тупроқни ҳимоя қилиш*

### **2.1.Тупроққа ишлов беришнинг самарали технологиялари.**

Тупроқ агрономик жихатдан ер юза қатламида муҳим вазифаларни бажаради, яъни ўсимлик биомассаси, тупроқ хосилдорлиги, сув тозалаш, ифлослантирувчи биологик моддаларни холос қилдириш, сахар ва саноат чиқиндиларидан тозаловчи функцияни бажаради.

Тупроқ ердан фойдаланиш, унинг хусусиятларини яхшилаш ва бошқариш муносабатларини чегараловчи тизим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мавжуд статистик маълумотлар бўйича тупроқ минтақавий ва глобал деградациядан сақловчи, чўлланишга қарши-кураш чора тадбирларини олиб бориш керак. Маълум сўровлар натижасида захира ерларнинг қўллашда репродукцион усуллардан фойдаланиш, тупроқни муҳофаза қилиш, яъни ифлосланишдан, заҳарланишдан сақлаш режа асосида олиб борилиши шарт. **Тупроқ сифатини баҳолаш учун биомасса миқдори агрономик унумдорлик, муҳофаза чора-тадбирлари, таббий тоза сувларни сақлаш, иссиқхоналар миқдорини камайтириш, таббий соф тоза озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳозирги куннинг бош муаммолардан бири ҳисобланади<sup>7</sup>.**

Тупроқ деградациясининг антропоген омиллари 2 гуруҳга бўлинади; мақсадли тавсифланадиган ва мақсадсиз йўналтирилган.

Мақсадли йўналтирилган- бу тупроқларнинг хоссаларига аниқ йўналтиришга таъсир қилишга қаратилган.

Мақсадсиз йўналтирилган –бу тупроқ қопламига комплекс аралашган ҳолда таъсир қилиб, унинг хоссаларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

---

<sup>7</sup> Soil degradation in the United States: extent, severity, and trends/ Rattan Lal, Terry M.Sobecki, Thomas Iivari, John M. Kimble.2004, 6 бет.

Тупроқ эрозиясини келтириб чиқарувчи омиллар ва унга қарши тадбирлар. Инсоннинг нотўғри ташкил этилган турли хил фаолияти таъсири остида тупроқ қатлами емирилади ва буғланади. Эрозия тупроққа мана шундай таъсир ўтказилишининг ғоят кенг тарқалган ва ҳалокатли оқибатидир.

Тупроқни эрозиядан сақлаш муаммоси дунёнинг арид иқлими минтақасида жойлашган кўпгина мамлакатлар учун, шу жумладан Ўзбекистон ҳудуди учун ҳам долзарб муаммодир. Чунончи, республикада эрозияга учраган ер майдонлари 1772,3 минг гектарни ёки ҳайдаладиган ерлар умумий майдонининг 40% ташкил этади. Шулардан 721,9 минг гектари ирригация эрозиясига, салкам 50 минг гектари жарлик эрозиясига, 700,4 минг гектари лалми эрозиясига ва 300 минг гектари шамол эрозиясига дучор бўлган.

Эрозияга учраган ерларда деҳқончилик маданияти даражасини юксалтириш уларни эрозиядан, пахта якка ҳокимлигининг таъсиридан кейин тупроқ унумсизлашидан ҳимоя қилиш қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини тубдан кўпайтириш ва барқарорлаштиришнинг энг арзон ҳамда самарали йўли ҳисобланади.

Инсоннинг нотўғри ташкил этилган турли хил фаолияти таъсири остида тупроқ қатлами емирилади ва буғланади. Эрозия тупроққа мана шундай таъсир ўтказилишининг ғоят кенг тарқалган ва ҳалокатли оқибатидир.

Тупроқни эрозиядан сақлаш муаммоси дунёнинг арид иқлими минтақасида жойлашган кўпгина мамлакатлар учун, шу жумладан Ўзбекистон ҳудуди учун ҳам долзарб муаммодир. Чунончи, республикада эрозияга учраган ер майдонлари 1772,3 минг гектарни ёки ҳайдаладиган ерлар умумий майдонининг 40% ташкил этади. Шулардан 721,9 минг гектари ирригация эрозиясига, салкам 50 минг гектари жарлик эрозиясига, 700,4 минг гектари лалми эрозиясига ва 300 минг гектари шамол эрозиясига дучор бўлган.

Эрозияга учраган ерларда деҳқончилик маданияти даражасини юксалтириш уларни эрозиядан, пахта якка ҳокимлигининг таъсиридан кейин тупроқ унумсизлашидан ҳимоя қилиш қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини тубдан кўпайтириш ва барқарорлаштиришнинг энг арзон ҳамда самарали йўли ҳисобланади.

Суғориладиган деҳқончиликда асосан ирригацион эрозия ривожланган ерларнинг мелиоратив ҳолати тўғрисида гапирсак, демак улар ривожланган ҳудудлар асосан паст-баланд рельефли, ҳар хил нишабли қияликларга эга бўлган тоғли ва тоғ олди ҳудудларда ҳам

эрозияга учраган, ўртача эрозияла учраган ва кучли эрозияга учраган тупроқларга ажратилдилар, қияликлар пастида ювилмали тупроқлар пайдо бўлади – бу тупроқлар тепадан ювилиб тушган мелкозем заррачаларидан пайдо бўлади.

Ирригацион эрозияга учраган тупроқларда суғориш ишлари алоҳида усулда бўлиши зарур. Бу ерларда кам миқдорда сув билан тез-тез суғориб туриш, эгатлар имконияти борича кам қиялик қилиниб олиш. Солинадиган минерал ўғитлар миқдори 25-30 % кўп бўлиши,

Сидерат экинларни экиш, бедазорларни ҳайдаш, гўнг ва бошқа органик ўғитлар солиш, гўзапояни майдалаб солиш, хлорелла кўллаш ва бошқа тадбирлар қилиш зарур.

Ер-тупроқ –инсон ҳаёт-фаолиятининг энг зарур яшаш жой, озуқа етиштирадиган майдони. Ер турли таъсирлар натижасида биологик бузилади, экологик ифлосланади ва дехқончилик борасида тупроқ ҳосилдорлиги пасаяди. Антропоген жараёнлар натижасида ернинг фойдали фонди бузилади, ҳосилдор ерлар турли қурилишлар ва йўллар ўтказишга олинади. Ишлаб чиқаришда эрозия ва дигрессия жараёнлари глобал характерга эга бўлиб, экин ерларининг майдони йил сайин қисқаради. Муҳит ифлосланиши натижасида экосистемалар ичидаги трофик жараёнлар-моддалар ҳосил бўлиши, уларнинг айланиши ва энергия оқимининг функциялари бузилади. Атмосферада фотокимёвий сув, тупроқ биотопларида эса кимёвий-биологик жараёнларнинг бир-бирига таъсири ва ҳамжихат табиий ҳаракатининг бузилишидан тирик организмлар ривожланиши, улар қайта ишлайдиган ва тиклайдиган моддалар миқдори, муҳитдаги элементларнинг бир-бирига баланси бузилади ва охир-оқибатда биотоп-муҳит яроқсиз, ўлик майдонга айланади.

Муҳитни ифлословчи моддалар ичида энг хавфлиси оғир металллардир. Хавфлилик даражасига қараб оғир металллар қуйидаги 3 та турга бўлинади.

1-тур жуда ҳавфли: Кадмий (Cd) Мишьяк (As) Симоб (Hg) Қўғошин (Pb) Селен (Se) Цинк (Zn) Никел (Ni)

2-тур-токсин элементлар : Бор (B) Кобалт (Co) Мис (Cu) Молибден (Mo) Сурма (Sb) Хром (Cr)

3-тур-кучсиз токсин элементлар: Барий (Ba) Ванадий (V) Вольфрам (W) Марганец (Mn) Стронций (Sr)

Тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширувчи тадбирлар мажмуида янги ишлаб чиқарилаётган ўғитларни илмий асосда кўллаш биринчи аҳамиятга эгаки,

бу ҳолатда режаланган ҳосил олишга эришилади ва озиқа унсурларини тупроқдаги мақбул мувозанати сақланади.

Тупроқ структурасини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш йулида янги турдаги ресурстежамкор, тупроқни муҳофазаловчи минерал ўғитларни ишлаб чиқариш ва пахтачиликда қўллаш модулининг **асосий муаммоси** ҳисобланади.

### **Ҳозирги кунда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган янги турдаги минерал уғитлар:**


1.ОАЖ “Навоий азот” корхонаси томонидан янги турдаги мураккаб уғитнинг (**NPS-28**) шакли ишлаб чиқарилди.

2.Тупроқни калий моддаси билан бойитишда маҳаллий **Тюбегатан қазилмаларидан тайёрланган янги турдаги калийли ўғитларни** ғўза навларида қўллаш меъёрлари ва муддатларини ўрганиш буйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

3.Ҳозирда фосфорли ўғитлар Қизилқум фосфоритларидан тайёрланмоқда, бу фосфоритлар таркибида сувда эрийдиган фосфор микдори деярли йўқ ҳолатдадир. Шунга қарамай кимёгар олимлар (Олмалиқ кимё заводи) **супрефос**, “Самарқандкимё” ОАЖ да (НКФУ) **нитрокальцийфосфат** каби мураккаб ўғитларни ишлаб чиқармоқда. Бу ўғитларни самарадорлиги ўтган йиллари пахтачиликда илмий жиҳатдан аниқланган.

Бугунги кунда ЎзР ФА Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг олимлари томонидан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш технологиялари ишлаб чиқилмоқда. Бу технологиялардан бири Тошкент ва Самарқанд шароитларида экилаётган Наврўз ва Оқдарё-6 ғўза навларида **карбамид асосида тайёрланган суспензияларни** мақбул меъёрлари, қўллаш муддатларининг самарадорлиги буйича маълумотлар берилган

. Ғўза ривожланиш даврлари бўйлаб тупроқнинг 0-30 см қатламидаги алмашинувчи калий динамикаси, мг/кг (ЎзПТИ, 2012 йил)



### Назорат саволлари:

- 1.Тупроқ қопламанинг деградацияси деганда нимани тушунасиз?
- 2.Мақсадли йўналтирилган ва мақсадсиз йўналтирилган антропоген омилларга нималар киради?
- 3.Тупроқни ҳимояловчи технологияларга нималар киради?
- 4.Ресурс тежамкор технологияларга нималар киради?

### **Адабиётлар:**

1. Soil degradation in the United States: extent, severity, and trends/ Rattan Lal, Terry M. Sobecki, Thomas Iivari, John M. Kimble. 2004, )

2. Rattan Lal, B.A. Stewart. Principles of Sustainable Soil Management in Agro ecosystems RC Press USA, 2010. 256.pa.

3. Roy E. Olson From Soil Behavior Fundamentals to Innovations in Geotechnical Engineering merican Society of Civil Engineers USA, 2014

4. Principles of Soil Conservation and Management By Humberto Blanco The Ohio State University, Columbus, OH, USA Kansas State University, Hays, KS, USA and Rattan Lal The Ohio State University, olumbus, OH, USA.

5. GIS Applications in Agriculture Volume Two Nutrient Management for Energy Efficiency Edited by David E. Clay John F. Shanahan, 2011.

### **3-мавзу: Тупроқ унумдорлигини тиклаш ва экинлар хосилдорлигини оширишда инновацион технологиялар.**

#### **Режа:**

3.1. Тупроқ унумдорлигини тиклаш экинлар хосилдорлигини оширишда инновацион технологияларни ахамияти.

3.2. Тупроқнинг шўрланишини камайтиришда инновацион технологияларнинг ахамияти

**Таянч иборалар:** *Тупроқ унумдорлиги, категориялари, экинлар хосилдорлигини, инновацион технологиялар, физик ва механик, кимёвий ва физикавий деградация, биологик ва биокимёвий деградация.*

#### **3.1. Тупроқ унумдорлигини тиклаш экинлар хосилдорлигини оширишда инновацион технологияларни ахамияти.**

Хозирги кунда катта қувватли, кўп энергияли техникалар таъсирида тупроқнинг ўта зичлашиши, қишлоқ хўжалиги жадал бўлган ҳар қандай давлатда учрайдиган ҳолатдир. Йилига далаларни кўп қисмларини техникаларида 2-4 маротаба, айрим майдонларга 8-16 маротаба ишлов берилади.

Суғориш ва қуритиш учун мелиоратив техник тизимларини кўриш жараёни ҳам тупроқнинг хайдалма ва хайдалма ости қатламларининг

структураси бузилади, зичлиги ортади, бу эса сув ва хаво ўтказувчанликнинг ёмонлашувига, нитрификация қобилятининг пасайишига, хосилнинг камайишига (5-20% ва ундан ортиқ) ва кейинги ишлов беришда сарф харажатларнинг ортишига олиб келади. Хайдалма ва хайдалма ости қатламнинг зичлашиши кумулятив характерга эга бўлиб, йилдан йилга бу ҳолат кучайиб бораверади. Тупроқнинг зичланишига умумий ғовакликнинг камайишига олиб келади. Бунинг натижасида тупроқларнинг сув ва хаво режими ёмонлашади. Тупроқ зичлашганда умумий ғоваклик 5-20% га, агрегатлар ғоваклиги эса 3-7% га камаяди. Тупроқларни техникалар таъсирида зичлашиши мустахкам бўлган структураларнинг бузилиши пластик деформация натижасида тупроқ қопламининг физик хоссалари деградацияга учрайди ва унинг деформация таъсиридаги зичлашиши 3-5 йилгача сақланади.

Тупроқларнинг ноқулай физик хоссалари га эга бўлишини слитизация деб аташ қабул қилинган. Бу кескин букиш, нам ҳолатда қатламларнинг яхлит бўлиши, структураларнинг бўлакчалар шаклида ва қуруқ ҳолатда йирик ёриқларнинг бўлиши билан ажралиб туради. Қоида бўйича муҳитнинг хоссалари ичида оғир механик таркибли, сув режими махсус бўлган, органик моддалар миқдори юқори бўлмаган, парчаланмайдиган қолдиқлар миқдори кўп бўлган, смектитли минерал таркибли тупроқлар слитизацияга мойил бўлади.

Суғориладиган тупроқлар физик хоссаларининг деградацияси дегумификация жараёнига катта таъсир қилади. Масалан Россиянинг хайдаладиган ерларини 97,3% тупроқ қопламани физик хоссалари деградациясига учрашига асосий сабаб, гумус миқдорининг пасайиб кетиши билан боғлиқ. Шу билан боғлиқ равишда тупроқни бошқа хоссалари ҳам ёмонлашади, уларнинг унумдорлиги пасаяди, тупроқ массаси агрегатсизланади, яъни унинг структураси бузилади, тупроқ агрегатлари деформацияланади ва оқибатда тупроқ ҳолати физик деградацияга учрайди. Тупроқ структурали ҳолатнинг деградацияси, органик моддалар миқдорининг камайиши натижасида ва сифатининг ўзгариши қишлоқ хўжалик техникаларга ва тупроққа зичлаштирувчи таъсир қилади. Тупроқ дегумификацияси ва унинг қишлоқ хўжалик техникалар билан зичланиши, бир вақтда тупроқнинг физик хоссалари деградациясини курайтиради.

Типик бўз тупроқлар гумус миқдорининг (1,8-2,1% гача) камайиши сувга чидамли агрегатлар, фульвокислота миқдорининг камайиши га ва натижада (кесакли фракциялар миқдорининг ортишига, сувга чидамли фракцияларни камайишига) тупроқ структурали ҳолатининг бузилишига



олиб келади. Деградацияга учрамаган тупроқлар физик хоссалари бўйича оптимал ва унга яқин кўрсаткичлари билан тавсифланиб, тупроқда хавони фойдали намликка бўлган нисбати оптимал бўлади ва юқори физик даражадаги унумдорлик шароитини яратди. Тупроқлар физик хоссаларнинг деградацияга учраганлик (кучсиз, ўртача ва кучли) даражасига қараб турли тупроқ типларида экинлар хосилининг камайиши хар хил бўлади. Масалан, кучсиз деградацияга учраган чимли подзол тупроқларда донли экинларнинг хосили 5-10% га , ўртача деградацияланганида донли экинларнинг хосили 5-10% га, ўртача деградацияланганида 10-30% га , кучли деградацияланганда эса 30-40% ва ундан ортиқроқ камайиши кузатилади.

Халқаро қўлланмалар деградация бўйича деградация даражаси айрим хоссалари ифлословчи компонентларнинг абсолют миқдори (кимёвий дегралация) билан эмас, балки бу ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш даражаси билан белгиланади. Мисол тариқасида деградация даражасини тупроқлар шўрланиш даражаси уларнинг электр ўтказувчанлиги билан ажратилади. Кучсиз ва ўртача шўрланган градациясига , яъни битта градацияга , ўтишида деградация даражаси кучсиз деб ҳисобланади. Кучсиз шўрланган кучли шўрланган тупроққа ўтиш градацияси деградациянинг ўртача даражаси деб белгиланади.

Биринчи навбатда деградация жараёнлари ва ходисалари икки асосий йўналишга бўлинади: тупроқ материалнинг ўзгариши ёки тупроқнинг кимёвий ва физик-кимёвий хоссасининг ўзгариши билан боғлиқ.

Тупроқ материалларининг аралашishi деградация ходисасининг 2 типи; сув ва шамол эрозиясида намоён бўлади. Тупроқнинг юқори қатламларидаги моддаларнинг йўқолиши етказилган зиёнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланиб, тонна, гектар, йил билан ифодаланади.

Тупроқнинг деградацияси даражаси “Тупроқ ва ер деградацияси заррарининг ўлчамини аниқлаш бўйича услубиёт” китобида батафсил тахлил қилинган. Эрозиянинг тезлигини тахминий баҳолашни қуйидаги шкала бўйича ўтказилиши мумкин.(guidelines,2000).

Тупроқ физикаси деградациясини камайтиришнинг умумий талаблари қуйидагиларни ўз ичига олади; тупроқ структураси ва қатламини яхшилаш , унумдоригини ошириш ва техникалар таъсирида тупроқларнинг зичланишини мақбул даражага камайтириш мақсадида гумусли ҳолатини оптималлаштириш; тупроқларнинг зичланиши билан боғлиқ муаммолар ечимини топиш мақсадида ҳаракатдаги мавжуд техникаларнинг (юрувчи қисмлари) модернизация қилишни ва тупроқ қопламига босими талаб даражасида бўлган янги техникаларни ишлаб

чиқиш;экиладига ўсимлик турларига қараб, ерларга ҳар хил чуқурликларликларда ишлов бериш.

Ҳозирги кунда зичлашган тупроқларни юмшатишда самарадорлиги 50% дан юқори бўлган усуллардан бири – ерларга механик ишлов бериш ҳисобланади. Ўта зичлашган тупроқларни юмшатиш мақсадида чуқур хайдаш ёки чизеллаш талаб қилинади.ерларнинг умумий юмшатишнингсамарадорлиги 15% ва табиий омиллар(буқиш чуқиш, музлаш-эриш) таъсирида юмшаши 35% тўғри келади.

Тупроқнинг физик деградациясини камайтириш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни бажариш энергетика сарф-харажатлар билан боғлиқ бўлади. Бу энергетик сарф – харажатлар миқдори тупроқлар генезиси кўрсаткичлари ва деградация даражасининг турлари ҳамда тупроқларнинг технологик таъсирига чидамлилигига боғлиқ.

Органик қишлоқ хўжалиги Европада узоқ ишлаб чиқилган тизимдир, яъни қишлоқ хўжалигида асосий технологик инқилоби ҳисобланади. Юқорида айтилган гаплар органик моддалардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш, фемерлар ер ресурсларидан самарали фойдаланишда катта кучга эга ҳисобланади. Органик қолдиқлар фақатгина тупроқни озиклантириб қолмасдан, балки унинг биомасулотларини кучайтириб ҳосилдорликни оширади. Калит усули органик деҳқончиликда замонавий технологияларни ишлатиш, уни самарадорлигини ошириш, атроф муҳитни захарли элементлардан сақлаш ва олдини олиш муҳим ҳисобланади. Бу ғоя қишлоқ хўжалик тадқиқотларида 10 йиллар давомида жамоатчилик томонидан ишлаб чиқилган ва ҳозирги кунда ўз таъсирини йўқотмаган.

“Европада органик деҳқончилик жадал ривожлантириши XX асрнинг сўнгги ўн йилларида кескин борган. Европа Иттифоқи (ЕИ)да органик деҳқончилик майдонлари Lampkin маълумоти бўйича беш баробар ошган. Бу эса озик-овқат махсулотларини ишлаб чиқаришини кучайтиришига олиб келган. Нафақат органик деҳқончилик озик-овқат махсулотини кўпайтиришдан ташқари экологик тоза соф махсулотларини ишлаб чиқариш ҳозирги кундаги қишлоқ хўжалик корхоналари олдида асосий сиёсий элемент ҳисобланади”<sup>8</sup>.

Деградация жараёнининг бошланғич (кучсиз даражадаги) даврида тупроқ хосса даврида тупроқ хоссаларини ёмонлаштирувчи омилларини камайтириш етарли ҳисобланади. Бунинг учун тупроқдаги гумус миқдори балансини сақлаш мақсадида мунтазам янги органик моддаларни қўллаш билан. Тупроқлар хайдалма қатламларининг ўта зичланиши ва

<sup>8</sup> Organic Farming: Policies and Prospects Stephan Dabbert, Anna Maria Häring, Raffaete Zanolli 2003,2-бет

структураларининг бузилиши натижасида ўрта ва кучли даражада деградацияга учраган майдонларда олиб бориладиган агротехник тадбирлар – тупроқ структураси ва гумус миқдорини маълум даражагача кўпайтиришга ва сифатини ошириш йўли билан тиклашга йўналтирилган бўлиши керак. Гумус балансини сақлаш алмашлаб экиш ни хисобга олган ҳолда ерларга ҳар хил меъёردа органик ўғитлар солиш билан амалга оширилади.

Органик деҳқончиликда тупроқнинг юқори қатлами асосий маҳсулот берувчи қатлам бўлиб, уни сақлаш, қадрлаш ва муҳофаза қилиш фермерлар давлат органлари билан ҳамкорликда амалаг оширишлари шарт. Ерларнинг экологик ҳолати, яъни захарланмаган, ифлосланмаган экологик тоза маҳсулот яратиш ва истеъмол қилиш, муҳофаза қилиш ижтимоий ҳаракати томонидан муттадил олиб борилади. Юқори коммуникацион замонавий ривожланган ҳозирги кунда барқарор тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш, репродукция жараёнини мустаҳкамлаш, маълум даражада кўпайтириш ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Германия, Австрия ва Швеция ва бошқа мамлакатларда органик деҳқончилик фермерларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда муттадил ёрдам бериб келмоқда. ( Dabbert ва Braun 1993; Osterburg etal . 1997 ; Hartnagel 1998 ; Schneeberger ва бошқалар. 1997). Ерларнинг ҳолатини кузатиш мантиқий оддий ҳолат бўлишига қарамасдан қишлоқ хўжалигини ривожланиши учун тежамкор, замонавий қишлоқ хўжалик машиналарини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

“Ирландияда ерларни чуқур ҳайдамасдан оғир техка ишлатмасдан, юқори самарадор минерал ўғитлар қўллаш билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, яъни гўшт, сут, ғалла, сабзавот ва мева маҳсулотларини интенсив сармоясини ошириш мумкин”<sup>9</sup>.

Қишлоқ хўжалик техникалари таъсирида тупроқларни зичланишини камайтиришни таъминловчи техник воситалар ва т ва технологияларни қўллашда тупроққа ишлов беришни минималлаштирилган ҳолда амалга ошириш лозим. Бунинг учун ерлага чуқур ишлов ўрнига майда ва юзи қисмига ишлов бериш технологияси бмлан алмаштириш , тракторларнинг далага киришини камайтириш мақсадида кенг қанотли (бир неча қаторга ишлов бериладиган) техникалардан фойдаланиш , тракторларнинг бир қатновида бир неча операцияларни бажарадиган комплекс иш қуроллари ва агрегатлар билан созлаш ва машина – тракторли агрегатлар маршрутини киритиш лозим.

<sup>9</sup> Organic Farming: Policies and Prospects Stephan Dabbert, Anna Maria Häring, Raffaete Zanolli. 2003, 7, 13 бет

### **3.2. Тупроқнинг шўрланишини камайтиришда инновацион технологияларнинг аҳамияти**

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва биологик ҳом-ашё етиштириш тупроқнинг асосий хоссаларидан бўлиб, унинг унумдорлиги билан узвий боғланган. Ҳар бир тупроқ типларнинг унумдорлик даражаси унинг ҳосил қилувчи шароитлар мажмуаси таъсири билан белгиланади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида инсон омилларидан агротехник тадбирлар, яъни тупроққа ишлов бериш кенг қўлланилади. Тупроққа ишлов беришнинг сифати ва унинг сув-физикавий хоссаларига таъсири қишлоқ хўжалик машиналарининг дала майдонларидаги қатновига боғлиқ.

Жадал ривожланиб бораётган деҳқончиликда суғориладиган ерлардан унумли ва самарали фойдаланиш, тупроқ мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сақлаш, унга замонавий технологияларни қўллаган ҳолда ишлов беришни йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги куннинг энг муҳим муаммоларидан бири ерларнинг турли даражада шўрланиши бўлиб, унинг олдини олиш ва яхшилаш, кўзланган ҳосилни олишда тўла ва сифатли етиштириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Шўрланиш даражасининг ортишига турли омиллар сабаб бўлиб, асосан суғориш сувларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида ҳам рўй беради. Суғориб деҳқончилик қилинадиган кўплаб майдонларнинг нотекислиги оқибатида суғоришда майдон юзасини бир хиллигини таъминлашга эришиш ортиқча сувни талаб этади. Яъни суғориш даврида меъёридан ортиқ сувдан фойдаланиш оқибатида ер ости сувларининг ер юзасига яқинлашиши кузатилади. Натижада эса сувда эриган турли тузларнинг юқори қатламларга тўпланиши ерларнинг турли даражада шўрланишига сабаб бўлади.

Шўрланиш ва шўртобланиш-биосферага таъсир қилаётган муҳим омиллардан бўлиб, улар тупроқ унумдорлигини чегаралайди ва қишлоқ хўжаликда унумли фойдаланиган халақит беради. Дунёнинг қуруқ минтақаларида жойлашган давлатлар тупроқларнинг шўрланиши нафақат атроф муҳитга, балки иқтисодиётга тегишли бўлган йирик муаммолар манбаи ҳисобланади.

Тупроқ профилида тузларнинг тупланиши турли хил тезликда юзага келади. Айрим ҳолатларда шўрланиш жарёни шу қадар тезки, ҳатто тупроқнинг устки қатламида у ёки бу даражада қалин тузли қатқалоқ ҳосил бўлади. Тупроқли- тузли қатқалоқлар структурасиз тупроқларнинг чўкиши ва кўриши натижасида ҳосил бўлади. Кўпгина ҳолатларда атмосфера ёғигарчиликнинг, қиш фасли даврида музлаган тупроқларнинг муздан эриши техника ва иш қуролларнинг таъсири натижасида қатқалоқ

хосил бўлади. Айрим атмосфера шароитларида тупроқларнинг хайдалма катламларидаги тупроқ қатқалоқларининг капиллярлари орқали намликнинг парланиши кучаяди, натижада атмосферадан тушаётган ёгин миқдорининг етиб бориши қийинлашади, тупроқ ва атмосфера ўртасидаги газ алмашиш жараёни ёмонлашади. Бу омиллар тупроқ биотаси фаолиятининг бузилишига ва ўсимликлар учун захарли бўлган бирикмалар (лводород сульфид, метан ва б.) миқдорининг ошиши ва тўпланишига сабаб бўлди. Қатқалоқ ўсимлик миқдорининг ошиши ва тўпланишига сабаб бўлди. Қатқалоқ ўсимлик уруғларининг унуб чиқишини секинлаштиради, ўсишни қийинлаштиради ва айрим ҳолатларда батамом қуришига олиб келади. Тупроқларда ўз вақтида олиб бориладиган агротехник тадбирлар қатқалоқ хосил бўлишининг олдини олади. Масалан, физик жихатдан етилган тупроқларни бороналаш ёки мулчалош самараси катта бўлади ва қатқалоқнинг олди олинади. Эгатлардаги қатқалоқлар- сув берилгач, оғир бороналарда бузилади (майдаланади), айрим ҳолатларда культивация қилиниши мумкин.

Тупроқ қатқалоғи уруғ униб чиқмасдан аввал енгил бороналаш йўли билан йўқотилади, техник ва бошқа ўсимликлар экилган майдонларнинг жўяқлари орасига ишлов берилади. Қўшимча қўлланилган агротехник тадбирлар ортиқча энергия сарф бўлишига ва иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келади.. шу сабабли марказлашган махсус , тупроқнинг физик кимёвий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда унга ишлов бера оладиган машиналар фойданиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан биргаликда тупроқнинг кимёвий хоссаларини яхшилаш қобилиятига эга бўлган орғоно минерал ўғитлар алмашлаб экиш, кимёвий мелиорация , кўп йиллик ўт ўсимликлари ва бошқа тадбирларни қўллаш тупроқ қатқалоқлашининг олдини олади.

Бундай муаммоларни ҳал этишда, яъни майдон юзасини текислигини таъминлашда замонавий технологияларни қўллаган ҳолда тупроққа ишлов бериш тизимини ишлаб чиқиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ерларни лазерли текислаш натижасида майдон юзасининг бир хиллигига эришган ҳолда суғориш сувларининг ер юзаси бўйлаб текис тақсимланишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида шўрланиш даражасининг камайишига олиб келади.

Тупроқнинг шўрланиш ва шўртобланишни ўрганиш тупроқшуносликда ўз тарихига эга. Айниқса, тупроқлар шўрланиши ривожланган, мелиоратив ҳолати ёмон ва унумдорлиги паст бўлган давлатларнинг тупроқларида олимлар томонидан кенг назарий ва амалий

тадқиқотлар олиб борилган. Барча тадқиқотлар ўз даври тарихига мос равишда илмий ва технологик даражага асосланган ҳолда ўтказилган.

Шўрланган тупроқларни ўрганиш ва мелиорацияси фундаментал модулларнинг ривожланши билан параллел равишда ривожланган. Тупроқларнинг шўрланиши ва шўртобланишининг асосий сабабларидан бири, тупроқ эритмасида кўп миқдорда электролитларнинг тўпланиши ва тупроқнинг қаттиқ фазаси билан ўзаро таъсир билан боғлиқ. Бу жараённинг принциплари ва унинг келиб чиқиш сабаблари бугунги кунда яхши ўрганилган. Аммо тупроқ эритмаларида электролитларнинг тўпланиш схемаси ва уларнинг тупроқ заррачалари, материаллари билан реакцияси, шўрланишнинг келиб чиқиш механизми, тезлиги ва қатқалоқнинг ҳосил бўлиш жараёни тўлиқ лаборатория шароитида кам ўрганилган. Тупроқларининг шўрланиши, шўртобланши ва унинг келиб чиқиш сабаблари ҳатто тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларига нисбатан яхши ўрганилган бўлишига қарамасдан, бу йўналишда қатор ноаниқликлар ва номаълум омиллар фаолият кўрсатади.

Тупроқларнинг шўрланиши ва шўртобланиш жараёнлари бўйича кўп олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида қатқалоқнинг хавфлилиги ҳақида (жараённинг миқдорий механизмисиз) маълумотлар келтирилган тупроқ қатқалоқланишининг келиб чиқиши, жараённинг ўзини миқдорий жиҳатдан маълумотларга эга бўлмасдан туриб, унинг йўналишининг жадаллигини самарали йўллар билан бошқариш, салбий оқибатларнинг олдини олишга қаратилган агротехник тадбирларни ишлаб чиқиб бўлмайди.

“Олимлар томонидан тупроқнинг устки қисмида тез қатқалоқланиш жараёнини физик моделлаштиришнинг тажриба ускунаси ишлаб чиқилган бўлиб, бу тезкор лаборатория шароитидаги усулда сизот сувларидаги, тупроқ эритмасидаги ва тупроқ қатқалоғидаги тузларнинг миқдорий балансига асосланган ҳолда тупроқ қатқалоғининг ҳосил бўлиш жараёни бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш мумкин. Бунда тузлар миқдорини  $\text{NaCl}$ ,  $\text{MgCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{CaCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  ва  $\text{CaCO}_3$  ҳосил бўлган қатқалоқнинг қалинлигига ва мустаҳкамлигига таъсирини имкон даражасида ўрганишни кўрсатган. Сизот сувлари таркибидаги тузларининг концентрацияси қуйидаги миқдорда булганда қатқоқланиш намоён бўлиши аниқланган  $\text{NaCl}$  - 30 г/л, 58,5 г/л, 70 г/л  $\text{CaCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  - 30 г/л, 54,8, 70 г/л, 109,5 г/л,  $\text{MgCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$  - 30 г/л, 50,8 г/л, 70 г/л, 101,6 г/л  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  - 53 г/л, 70 г/л  $\text{CaCO}_3$  - 50 г/л и 70 г/л. Қатқалоқнинг қалинлиги бирламчи эритмадаги, қатқалоқдаги, қатқалоқ остидаги ҳамда қатқалоқ

солиштирма юзасидаги ионлар миқдори билан боғлиқлиги кўрсатилган. Камроқ миқдорда қатқалоқнинг мустахкамлигига қатқалоқ остидаги ионлар миқдори таъсир қилиниши аниқланган”<sup>10</sup>.

Япония қишлоқ хўжалиги модуллари халқаро тадқиқот маркази (JIRCAS) ходимларининг олиб борган тадқиқотлар натижасида, лазерли ер текислашда экин майдонларини суғориш учун кетадиган сув миқдори сезиларли даражада камайганлигини кўриш мумкин.

Гравиметрик қиймат концентрацияни ҳажм массани чуқурликка кўпайтириш орқали кг/га га айлантирилди (D устун, 12.6-жадвал) (B, C, ва D устунларнинг ҳар бирини кўпайтиринг). Натижавий жавоб кейинчалик



тегишли константа ва ўлчов қийматларидан фойдаланган ҳолда кг/га га айлантирилди.

Масала 2. NHC ва  $dSOC/dt$  ни ҳисобланг. Берилган қийматга асосан NHC қуйидаги фаразлардан фойдаланилган ҳолда топилди. Энг олдин, илдизлар 1.1 томонидан қайтарилган йиллик ер усти биомассани кўпайтириш орқали топилди (F устун, 12.7-жадвал). Иккинчидан, 5 см юзада мавжуд илдизлар ер ости биомассасини 0.3 орқали кўпайтириб топилди. Учинчидан, илдиз углероди сегментдаги илдизларни 0.4 бўйича кўпайтириб топилди. Ушбу фаразларга асосан, NHC (H устун) қуйидагига тенг:  
Устун  $F \times 0.4 + \text{Устун } G \times 0.3 \times 0.4$

Масса баланси учун шу нарсани ҳисобга олиш муҳимки, барча биомассани ташкил қилувчи илдизлар одатда ер устки қисмларда ўлчанмайди. Маккажўхорида, бу асосан тик илдизлар остидаги барча биомассани ўз ичига олади.  $dSOC/dt$  D устунни C устундан айириш ва бу фарқни 12 йилга бўлиш орқали ҳисобланади.

Масала 3. NHC/SOC ни ҳисобланг (устун I, 12.7-жадвал). бу H устунни C устунга бўлиш орқали топилади.


Масала 4. Турли ландшафт ҳолатлари учун минерализация даражаси константасини ҳисобланг. Даража константалари NHC/SOC ва  $dSOC/dt$  орасидаги боғлиқликларни топиш орқали аниқланади. Бу боғлиқлик  $dSOC/dt$  ва NHC/SOC ўртасидаги чизиқли тенгламани топиш орқали қийматлантирилади. Бу Microsoft Excel орқали амалга оширилиши мумкин. Ушбу кейс стадида тенгламалар ҳар бир ландшафт ҳолати учун алоҳида ҳисобланган ва натижавий қиялик ва у-кесишиш нуқтаси қийматлари 12.8-жадвалда E ва F устунларда жойлашган.

### 12.7-жадвал. Тажрибанинг 12 йилдан ортиқ муддатида ҳисобланган тупроқ органик углероди ўзгариши, ва Страттонда йиғиштирилмаган C (NHC) ва тупроқ органик C (SOC) ўртасидаги нисбат

A	B	C	D	E	F	G	H	I
	Rotation	SOC <sub>i</sub> (kg ha <sup>-1</sup> )	SOC <sub>t</sub> (kg ha <sup>-1</sup> )	$dSOC/dt$ (kg Year <sup>-1</sup> )	Annualize above Ground Biomass Returned (kg C ha <sup>-1</sup> )	Estimated Root Biomass Returned (kg ha <sup>-1</sup> )	NHC C Returned (kg ha <sup>-1</sup> )	NHC/SOC
Summit	WF	7,247	6,785	-38.5	2,060	2,266	1,095.92	0.151224
	WCF	7,247	7,000	-12.5833	2,290	2,519	1,218.28	0.168108
	WCMF	7,247	7,835	49	2,285	2,513.5	1,215.62	0.167741
	CC	7,247	8,400	96.08333	3,905	4,295.5	2,077.46	0.286665
Side-slope	WF	6,786	5,545	-103.417	1,825	2,007.5	970.9	0.143074
	WCF	6,786	6,685	-8.41667	2,120	2,332	1,127.84	0.166201
	WCMF	6,786	6,900	9.5	2,150	2,365	1,143.8	0.168553
	CC	6,786	7,410	52	3,470	3,817	1,846.04	0.272037
Toe-slope	WF	11,045	8,985	-171.667	2,820	3,102	1,500.24	0.13583
	WCF	11,045	9,770	-106.25	3,465	3,811.5	1,843.38	0.166897
	WCMF	11,045	10,170	-72.91667	3,480	3,828	1,851.36	0.16762
	CC	11,045	10,555	-40.8333	4,735	5,208.5	2,519.02	0.228069
Math in column					=col F × 1.1 Assumes 50% harvest index	=0.4 × (F + G × 0.3) Assumes 40% carbon and 30% of the roots are in the segment	=col H/col C	

**12.8-жадвал. ННС ошириш талаби ва Страттонда 3 ландшафт ҳолати учун йиғиштирилмаган С (KNHC) ва тупроқ органик С (KSOC) нинг ҳисобланган минерализация даражаси константаси**

A	B	C	D	E	F	G	H	I	J	K
	Rotation	$dSOC/dt$ (kg Year) <sup>-1</sup>	NHC/SOC	y-Intercept	Slope	SOC <sub>i</sub> (kg ha <sup>-1</sup> )	k <sub>soc</sub> g/ (g Year)	knhc g (g Year) <sup>-1</sup>	NHCm kg C (ha Year)	
Summit	WF	-38.525	0.151218	0.189561	0.00101	7,247	0.025902	0.13664	1,373.748	
	WCF	-12.6083	0.168101							
	WCMF	48.975	0.167734							
	CC	96.05833	0.286653							
Sideslope	WF	-103.417	0.143074	0.222709	0.000862	6,786	0.038073	0.170954	1,511.301	
	WCF	-8.41667	0.166201							
	WCMF	9.5	0.266136							
	CC	52	0.272037							
Toe-slope	WF	-171.729	0.135821	0.235107	0.000618	11,046	0.034461	0.146578	2,596.989	
	WCF	-106.313	0.166886							
	WCMF	-72.9792	0.167608							
	CC	-40.8958	0.228053							
		Not-included in analysis								



**12.3-расм.** Страттонда  $dSOC/dt$  ва NHC/SOC орасидаги боғлиқликлар. Бу боғлиқликлар учун тенглама ва маълумотлар 12.8-жадвалда келтирилган. (From Sherrod, L.A. et al., *Soil Sci. Soc. Am. J.* 67, 1533, 2003)

у-кесишиш нуқтаси ва нишаблик қийматига асосан  $kSOC$

$[(y\text{- кесишиш нуқтаси}) / (SOC \cdot \text{нишаблик}) = (Col E) / (Col I \cdot Col H)]$  ва  $kNHC [1 / (SOC \cdot \text{нишаблик}) = 1 / (Col I \cdot Col H)]$  қийматлар ҳисобланган. Бу қийматлар I ва K устунларда (12.8-жадвал) (12.3-расм).

Масала-5. минерализация даражаси константасини Interpret қилинг. SOC минерализация даражаси константаси томон ва оёқ панжасимон қияликлар учун summit area га нисбатан узунроқ бўлган.

Summit да пастроқ *k*SOC қиймати бу углерод томон ва оёқ панжасимон қияликлар углеродига нисбатан турғунроқлигини кўрсатади. Клей ва бошқалар шунга яқин натижалар олишган.

Масала 6. Турли ландшафт ҳолатларида SOC нинг ярим емирилиш даврини ҳисобланг. Бу қийматлар қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Summit: } 1/2 \text{ life} = \frac{\ln 2}{k} = \frac{0.6931}{0.0259} = 26.8 \text{ years}$$

$$\text{Side-slope: } 1/2 \text{ life} = \frac{0.6931}{0.03807} = 18.2 \text{ years}$$

$$\text{Toe-slope: } 1/2 \text{ life} = \frac{0.6931}{0.03446} = 20.1 \text{ years}$$

### 12.5 Кейс стади 3: Стерлингда С айланишига ландшафтниг таъсири


Ушбу тадқиқотда фойдаланилган маълумотлар Шеррод ва бошқалар (Sherrod et al.) томонидан қўлга киритилган. Бу маълумотлар кейс стади 2 да келтирилган маълумотларни тўлдиради. Стерлинг ҳудудида 100 йиллик ўртача ёғингарчилик 420 мм ва РЕТ қиймати 1015 мм. Колорадонинг Стерлинг ҳудуди Страттон ҳудудига нисбатан пастроқ РЕТ кўрсаткичига эга.

### 12.9-жадвал. Турли ландшафт ҳолатларининг тупроқ органик углероди ва NHC/SOC нисбатига таъсири

A	B	C	D	E	F
Landscape Position	NHC (kg C ha <sup>-1</sup> )	SOC <sub>i</sub> (kg ha <sup>-1</sup> )	SOC <sub>f</sub> (kg ha <sup>-1</sup> )	dSOC/dt 12 Years	NHC/SOC
Summit	835.24	7,105	7,830	60.41667	0.117557
	1,146.46	7,105	6,810	-24.5833	0.16136
	1,141.14	7,105	7,290	15.41667	0.160611
	1,606.64	7,105	8,175	89.16667	0.226128
Side-slope	864.5	6,492	6,925	36.08333	0.133164
	1,095.92	6,492	6,690	16.5	0.168811
	1,231.58	6,492	6,965	39.41667	0.189707
	1,532.16	6,492	8,745	187.75	0.236007
Toe-slope	1,037.4	9,264	7,160	-175.333	0.111982
	1,439.06	9,264	8,800	-38.6667	0.155339
	1,449.7	9,264	9,715	37.58333	0.156487
	2,016.28	9,264	11,825	213.4167	0.217647
	Not included				

Масала 1. Маълумотлар базасини тузинг. Маълумотлар базаси юқорида тавсифлангн йўлдан фойдаланган ҳолда тузилиши керак. SOC нинг 12 йилдан кейин 5 см юзадаги бошланғич ва якуний миқдорлари С ва D устунларда келтирилган (12.9-жадвал).

$dSOC/dt$  қиймати  $SOC_i$  ни  $SOC_f$  дан айириш орқали ва бу фарқни 12 йилга бўлиш билан топилади (Е устун, 12.9-жадвал). ННС қийматлари кейс стади 2 да келтирилган фаразлардан фойдаланган ҳолда ҳисобланган.



**12.4-расм.** Стерлинг ҳудуди учун  $dSOC/dt$  ва  $NHC/SOC$  ўртасидаги боғлиқликлар. Натижавий тенглама  $NHC/SOC = 0.1669 + 0.000317 dSOC/dt$  ( $r = 0.84^{**}$ ) бўлди.

12.10-жадвал. Стерлинг ҳудуди учун ННС ошириш талаблари ва даража константалари

Landscape Position	y-Intercept	Slope	$k_{SOC}$ g SOC (SOC Year) <sup>-1</sup>	$k_{NHC}$ Gnhc-C (g NHC Year) <sup>-1</sup>	NHCm kg NHC-C ha <sup>-1</sup>
Summit	0.1669	0.000317	0.0741	0.4440	1185.8245
Sideslope	0.1669	0.000317	0.0811	0.4859	1083.5148
Toeslope	0.1669	0.000317	0.0568	0.3405	1546.1616

Масала 2.  $dSOC/dt$  ва  $NHC/SOC$  орасидаги боғлиқликни аниқланг. Бу таҳлилда натижавий чизиққа мосмас бир қанча нукталар бор эди ва булар таҳлилларда ҳисобга олинмади. Бу таҳлилда барча ландшафт ҳолатларидаги маълумотлар бирлаштирилди (12.4-расм). Бу маълумотлар Страттондагига нисбатан фарқлироқ бўлиб, тенгламалар ҳар бир ландшафт ҳолатига алоҳида топилди.

Масала 3. Стерлинг учун ошириш талаби ва даража константаларини аниқланг. Ушбу қийматларни (12.10-жадвал) ҳисоблаш учун  $dSOC/dt$  ва  $NHC/SOC$  ўртасидаги боғлиқликдан фойдаланинг. Ушбу қийматлар ННС ва SOC айланиш даражалари ландшафтга хос спецификликни кўрсатади. Бу ҳисоб-китобга асосан оёқ изи-қияликларда summit ва side-slope га нисбатан кўпроқ SOC таъминоти керак бўлади.

## **12.6 Худудга боғлиқ ҳолда углерод конфескацияси потенциалини ҳисоблаш**

Юқорида келтирилган ҳисоблаш йўли икки хил ўлчовлар SOC даги вақтинчалик ўзгаришлар ва тупроққа қайтарилган NHC миқдори асосида ётади. Бутун дала тажрибасида бу маълумот икки ёндошишли экин қолдиқлари қолдирилмаган ва экин қолдиқлари қайтариб солинган йўл-йўл тажрибаларда қўлга киритилиши мумкин. Ушбу тажрибаларда қайтарилган экин қолдиқлари (NHC) ҳосилни мониторинг қилиш маълумотларидан йиғим-терим индекси ва қолдиқларни йўқотиш даражасидан фойдаланган ҳолда) ўлчаниши ёки ҳисобланиши мумкин.

SOC даги вақтинча ўзгаришларни йиллик NHC қўшилмаси билан бирлаштириш орқали даража константалари юқорида келтирилган йўл билан ҳисобланиши мумкин бўлади. Ҳисоблашларда қабул қилинишича, ҳозирги SOC даражаси мувофиқлик қийматига (SOC<sub>e</sub>) яқиндир. Даража константалари ҳисобланса, SOC даражаларига қолдиқларни бошқаришнинг турли усуллари таъсири аниқланиши мумкин.

## **12.7 Хулоса**

Бу бўлимда турли ландшафтларда SOC учун минерализация даражаси константаларини ҳисоблашда қўлланиладиган битта усулни тавсифланган. Бу усул ушбу моделни қўллашда фойдаланиладиган маълумотлар қанча аниқ бўлса шунчалик аниқдир. SOCнинг аниқ ўзгаришини башоратлаш учун SOC ва NHC нинг аниқ ўлчаниши талаб қилинади. Агар даража константалари аниқ бўлса, улар ГАТ дастури ичида турли бошқарув сценарийларида (ишлов бериш тизими доирасида) қўлланилиши мумкин. Углерод айланиши маълумотини баҳолаётганда шуни эътиборга олиш зарурки, қўлга киритилган натижалар маълумотлар қанча яхши бўлса шунча ҳудди шунингдек яхши бўлади. Тупроқ намуналарини олиш тартибига қатъий амал қилиниши керак.

Углерод тажрибаларида унинг бошланишида ҳам ва охирида ҳам бирдек аниқ маълумотлар керак бўлади. Углерод таҳлили усулининг батафсил тавсилотини бериш ҳам талаб қилинади. Нам оксидлаш жараёнлари ҳар доим ҳам 100 % самарли эмас. Элаш, майдалаш ва устки тупроқ намуналаридан ўсимлик қисмларини олиб ташлаш олинандиган натижаларга таъсир қилиши мумкин.

## 4.2. Тупроқ химоя қилувчи инновацион технологиялар.

Тупроқ химоя қилиш технологиялари, ҳозирги кунда чет эл мамлакатлари қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкор технологияларнинг ажралмас бир қисми сифатида қўлланилиб келинмоқда.

Дунё бўйича кўпгина мамлакатлар (Бразилия, Янги Зеландия, Мексика, Америка кўшма штатлари, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Россия, Қозоғистон ва бошқалар)да 100 млн. га дан ортиқ ер майдонлари қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкор ва тупроқни химоя қилувчи технологиялардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда. Қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкор ҳамда тупроқ химояловчи технологияларнинг тармоқлари жуда кўп. Жумладан;<sup>13</sup>

- Ҳайдамасдан экиш (Zero Tillage) – тупроқ юзасида ўсимлик қолдиқларини қолдирган ҳолда текис ерга ишлов бермасдан тўғридан-тўғри экиш.

- Доимий пуштага экиш (Permanent Bed planting) – пушта доимий ҳолда бўлиб юзаси ўсимлик қолдиғи билан қопланган ҳолда тўғридан-тўғри ҳайдамасдан пушта устига экиш.

- Оралиқ ҳайдаб экиш (Intermediate Tillage) - тупроқ юзасида ўсимлик қолдиқлари қолдирилиб бир йил шудгорлаб, ерга ишлов бериб текис ерга ёки пуштанинг устига экиш, кейинги йили ҳайдамаслик.

- Кам ишлов бериш (Minimum Tillage) – тупроқ юзасида ўсимлик қолдиқлари қолдирилган ҳолда ерни шудгор қилмасдан, чизел ёки бараналар билан тупроқ юзасига ишлов бериш ва шунга ўхшаш бошқа бир қанча экиш турларига бўлинади. Кўриниб турибдики тупроқ химоя қилиш технологиялар, ресурс тежамкор технологиялар билан биргаликда (комплекс ҳолда) ишлатилиб келинмоқда.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ўсиши ва ривожланишида тупроқ шароитини мақбуллаштириш ўсимлик ҳаётидаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Албатта, бунга илмий асосланган тупроқга механик ишлов бериш орқали эришилади, яъни тупроқнинг ҳайдалма қатламига ишлов бериш билан қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши, ривожланишига қулай шароит яратилади ва тупроқ унумдорлиги оширилади.

Сув ва шамол эрозияси барча ҳудуднинг юза унумдор қатлами майда заррачаларини ювиб, учуриб кетиши билан биргаликда, тупроқ намлигининг камайиб кетишига, шу билан биргаликда тупроқ минерализациясининг

---

<sup>13</sup> GIS Applications in Agriculture Volume Two Nutrient Management for Energy Efficiency Edited by David E. Clay John F. Shanahan, 2011.

ошишига олиб келади. Шунинг учун тупроқ эрозиясини камайтирадиган, структуралик ва агрегатлик ҳолатини яхшилайдиган, чиринди ва озика элементлар захирасини оширадиган оддий, арзон ва самарали усулларидан бири - тупроққа ишлов бериш чуқурлиги ва сонини камайтириш, ҳамда ўсимлик қолдиқларининг тупроқда қолдирилиши ҳисобига тупроқни органик моддаларга бойитиш ҳисобланади.

Тадқиқотчи-олимлар маълумотларига кўра, ресурстежамкор технологиялар, жумладан, ҳайдамасдан экишда, оддий ҳайдаб экиладиган усулга караганда юза 0-20 см қатламда тупроқ унумдорлиги сезиларли даражада ўзгарган; ресурстежамкор ҳамда тупроқ ҳимоя қилувчи технологияларда, оддий ҳайдаб экиш усулига нисбатан, 0-7 см тупроқ қатламида гумус миқдори ўртача 0,5-0,8 фоизга юқори бўлган.

Ресурс тежамкор ва тупроқ ҳимояловчи технологияларни қўллаганда, оддий усулга караганда тупроқнинг физикавий, кимёвий хусусиятлари жумладан; тупроқ шўрланиши, ҳажм оғирлиги, ҳамда ерни ишлов беришга кетган иқисодий сарф харажатларининг камайганлиги, шу билан биргаликда тупроқ инфильтрацияси, намлиги, агрегатлик ҳолати, ғоваклиги ошганлиги, экинлар ҳосилдорлиги ва иқтисодий самарадорлик юқори бўлган.

H.M.Saturmino, J.N.Landers ларнинг 8-10 йиллик тажрибаларида ресурс тежамкор ҳамда тупроқ ҳимоя қилувчи технологияларни қўллаганда тупроқнинг биологик жонланиши намоён бўлган, тупроқ намлиги ошган ва органик моддалар тўпланганлиги боис тупроқнинг биологик индикаторлари ҳисобланган фойдали жониворлар, ёмғир чувалчанглар сони кўпайган. Юқорида келтирилган илмий тадқиқотчиларнинг маълумотлари асосан лалми деҳқончилик юритилидаган ҳудудларда амалга оширилган.

“Тупроқ эрозияси тарихида қишлоқ хўжалигини жадал ривожланиши натижасида ерларни унумдорлиги ҳолатини сақлаб қолиши ва юқори ҳосил олиш Яқин Шарқ Месопатамияда, Греция, Рим ва бошқа минтақаларда (Bennet yilda) аниқланганлиги келтирилган. АҚШда Hammond Bennett асарларида “Ота тупроқ сақлаш” деб номланган асарида эрозия жараёнларидан сақлаш кенг очяиб берилган. Бундан ташқари Troeh ва бошқалар. (2004) эрозия жараёнларини илмий жихатдан содир бўлишини муҳофаза қилиш жуда муҳим эканлигини ўз асарларида келтирган. Шунингдек дунё бўйлаб эрозия жараёнларига қарши кураш, тупроқ унумдорлик самарадорлигини ошириш экологик тоза маҳсулотларни яратиш хозирги куннинг бош стратегиясидир. Тупроқни эрозиядан ва сувни

ифлосланишидан сақлаш, турли номенклатуралар ва ставкалар қўйида келтирилган олимлар томонидан ажратилиб ўрганилган”<sup>14</sup>.

### **Аниқ қишлоқ хўжалиги юритиш (Precision Agriculture)**

Тупроқ хусусиятлари дала майдонида ўзгарувчанликка мойил. Тупроққа киритиладиган ўғитлар ва экинларда қўлланиладиган кимёвий моддалар табақалаштирилган меъёрларда қўлланганда тупроқ гетерогенлиги шароитида экинлар ҳосилдорлиги ошади. Бунда тупроқ намуналари олиш, уларнинг тахлили ва ўғит ҳамда гербицид, пестицид каби кимёвий моддаларни табақалаштирилган меъёрларда қўллаш харажатлари тезда ўзини қоплайди.

Азотга нисбатан, тупроқ таркибидаги фосфор ва калий камроқ вақт давомида, аммо кўпроқ кенгликдаги ўзгарувчанликка мойил. Шу боис, экинларда табақалаштирилган РК-ўғитлар меъёрларини аниқлашда тупроқдаги ҳаракатчан Р ва алмашинувчи К миқдорларини бошқариш азотга нисбатан осонликча амалга оширилади.

Азотли ўғитлар: вақт давомидаги ўзгарувчанлик

Экинларни азотли ўғитлаш бўйича тавсиялар:

а) Тупроқдаги  $\text{NO}_3\text{-N}$  миқдорларига асосланган тавсия

б) Ҳавола бўлинмага нисбатан тавсия

с) Турли ускуналарни қўллаш (масалан хлорофиллметр) ва улар кўрсаткичларига асосланган тавсия.

Фосфорли ва калийли ўғитлар: далалар орасидаги ва дала майдонларидаги ўзгарувчанлик.

а) Экинларда фосфор ўғитининг мақбул меъёрини аниқлаш тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори ва одатдаги тавсияномаларга асосланади. Бунда нафақат далалар орасидаги ўзгарувчанлик, балким даланинг турли қисмларидаги ҳаракатчан фосфор миқдорлари инobatга олинадиган ва табақалаштирилган фосфор меъёрлари қўлланилади.

б) Экинларда калий ўғитининг мақбул меъёрини аниқлаш фосфорга ўхшаш. Лекин бунда кўшимча равишда ўсимликларнинг вегетация давомида портатив ускуналар ёрдамида тезкор ўсимлик ташхиси бажарилади ва К-ўғит меъёрига тузатишлар киритилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ресурс тежамкор ва тупроқ ҳимояловчи технологияларни қўллаганда
2. Экинларда фосфор ўғитининг мақбул меъёрини аниқлаш
3. Экинларда калий ўғитининг мақбул меъёрини аниқлаш

<sup>14</sup> Blanco, F. and R. Lal. Principles of soil conservation and management. Springer. 2010. 5-66.



4. Ҳайдамасдан экиш, доимий пуштага экиш, оралик ҳайдаб экиш, кам ишлов бериш

### Адабиётлар

1. Clay, D.E., Carlson, C.G., Clay, S.A., Reese, C., Liu, Z., and Ellsbury, M.M. Theoretical Derivation of new stable and non-isotopic approaches for assessing soil organic C turnover. *Agron. J.* 102, 443, 2006.
2. Barber, S.A. and Martin, J.K. The release of organic substance by cereal roots in the soil. *New Phytol.* 76, 69, 1976.
3. Gale, W.J. and Cambardella, C.A. Carbon dynamics of surface residue- and root-derived organic matter under simulated no-till. *Soil Sci. Soc. Am. J.* 64, 190–195, 2000.
4. Barber, S.A. Corn residue management and soil organic matter. *Agron. J.* 71, 625, 1979.
5. Ortega, R., Peterson, G.A., and Westfall, D.J. Residue accumulation and changes in soil organic matter as affected by cropping intensity in no-till dryland agroecosystems. *Agron. J.* 94, 944, 2002.
6. Prakash, V., Kundu, S., Ghosh, B.N., Singh, R.D., and Gupta, H.S. Annual carbon input to soil through rainfed soybean (*Glycine max*)–wheat (*Triticum aestivum*). *Indian J. Agric. Sci.* 72, 14, 2002.
7. Kuzyakov, Y. and Domanski, G. Carbon inputs by plants into the soil. Review. *J. Plant Nutr. Soil Sci.* 163, 421, 2000.
8. Kuzyakov, Y.V. Tracer studies of carbon translocation by plants from the atmosphere into the soil. *Eurasian Soil Sci.* 34, 28, 2001.
9. Amos, B. and Walters, D.T. Maize root biomass and net rhizodeposited carbon: An analysis of the literature. *Soil Sci. Soc. Am. J.* 70:1489, 2006.
10. Torbert, H.A., Prior, S.A., Rogers, H.H., and Wood, C.W. Review of elevated atmospheric CO<sub>2</sub> effects on agro-ecosystem: Residue decomposition processes and soil C storage. *Plant Soil* 224, 59, 2000.
11. Johnson, J.M.F., Allmaras, R.R., and Reicosky, D.C. Estimating source carbon from crop residues, roots, and rhizodeposits using the national grain-yield database. *Agron. J.* 98, 622, 2006.
12. Bolinder, M.A., Janzen, H.H., Gregorich, E.G., Angers, D.A., and Vanden Bygaart, A.J. An approach for estimating net primary productivity and annual carbon inputs to soil for common agricultural crops in Canada. *Agric. Ecosystem* 118, 29, 2007.
13. Larson, W.E., Clapp, C.E., Pierre, W.H., and Morachan, Y.B. Effect of increasing amounts of organic residues on continuous corn: Organic carbon, nitrogen, phosphorous, and sulfur. *Agron. J.* 64, 204, 1972.

## **5-мавзу: Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни экологик ва иқтисодий баҳоси.**

**Таянч иборалар:** *Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, экологик ва иқтисодий баҳоси, тупроқларнинг шўрланиши, шўртобланиши, физикавий, кимёвий сугориладиган тоғ олди ерлардан фойдаланиши.*

### **Режа:**

- 1.Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологиялар.
- 2.Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни экологик ва иқтисодий баҳоси.

### **5.1.Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологиялар.**

Тадқиқотчи-олимлар маълумотларига кўра, ресурстежамкор технологиялар, жумладан, ҳайдамасдан экишда, оддий ҳайдаб экиладиган усулга қараганда юза 0-20 см қатламда тупроқ унумдорлиги сезиларли даражада ўзгарган; ресурс тежамкор ҳамда тупроқ ҳимоя қилувчи технологияларда, оддий ҳайдаб экиш усулига нисбатан, 0-7 см тупроқ қатламида гумус миқдори ўртача 0,5-0,8 фоизга юқори бўлган. Ресурс тежамкор технологиялар – бу асосан ерга турли ишлов бериш (шудгорлаш, чизел қилиш, бараналаш ва бошқа агротехник тадбирлар)ни камайтириш ёки иқтисодий сарф харажатларни тежаш, орқали қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш маъносида талқин қилинади. Тупроқни ҳимоя қилиш - тупроқ юзасини бирор полиэтилен пленка, ўсимлик қолдиғи, яшил сидератлар, ҳар хил компостлар, гўнг ёки бошқа органик қолдиқлар билан қоплаш ёки мульчалаш маъносида ишлатилади.

Ресурс тежамкор ва тупроқ ҳимояловчи технологияларни қўллаганда, оддий усулга қараганда тупроқнинг физикавий, кимёвий хусусиятлари жумладан; тупроқ шўрланиши, ҳажм оғирлиги, ҳамда ерни ишлов беришга кетган иқтисодий сарф харажатларнинг камайганлиги, шу билан биргаликда тупроқ инфильтрацияси, намлиги, агрегатлик ҳолати, ғоваклиги ошганлиги, экинлар ҳосилдорлиги ва иқтисодий самарадорлик юқори бўлган.

Тупроқнинг зичланиши- бу физик деградациянинг бир тури бўлиб, тупроқ микро- ва макрозаррачаларнинг ўзгаришига (бузилишига) айтилади. Тупроқ зичланишининг белгилари; ғовакликнинг ва сув ўтказувчанликнинг

камайиши, тупроқ заррачалари ўлчами мувозанатининг бузилиши ва уларнинг дастлабки ҳолатига нисбатан ўзгариши тушунилади. Заррачалар зичланишининг тезлигига боғлиқ равишда деформацияга боғлиқ равишда деформацияга учраши ва ҳатто йўқолиб кетиши мумкин. Зичланишнинг юзага келиши натижасида бир хил тупроқ қатламлари ҳосил бўлади ва бу қатлам чегарасидаги ўсимлик илдизининг сувга ва кислородга бўлган талаби етарли даражада бўлмайди. Бу эса ўсимлик ва улар илдизларининг ўсиши ва ривожланиши секинлаштиради ҳамда илдиз тизими тарқалишининг бузилишига олиб келади.

Экосистема “Инженерлари” бўлган ўсимлик илдизлари фаолияти таъсирида ҳосил бўлган макроғоваклар тупроқнинг зичланишига нисбатан ўта сезгир бўлади. Тупроқлар макроғовакларнинг йўқолиши умумий аэрацияни камайишига, намликнинг ортишига ва тупроқ организмларига бўлган салбий таъсирнинг камайишига олиб келади. Тупроқнинг тўғридан – тўғри зичланиши натижасида микроорганизмлар ўзлари учун қулай бўлган озикланиш жойларидан маҳрум бўладилар. Ерларнинг зичланши асосан тупроқларнинг устки қатламларида юзага келади ва бу юза қатламларда яшовчи ҳайвонларга кўпроқ салбий таъсирга эга бўлади ҳамда аэрациянинг бузилиши оқибатида микрооргантзмлар фаолияти ҳам ўзгаради.

Тупроқларнинг ҳаво режими – бу тупроқ унумдорлиги омилларидан бири бўлиб ҳаво миқдори ва таркибини маълум даврларида (суткада, фаслда, йилда) ўзгариши тушунилади. Тупроқ таркибидаги ҳаво газ ҳолатида бўлаб, унинг бир оз қисмигина тупроқ сувида эриган ва тупроқнинг катта минерал қисмига ўтган бўлади. Эркин ҳаво сув билан банд бўлмаган тупроқ бўшлиқчаларни ва ғовакларни тўлдиради ва унда аралашади, атмосфера билан муносабатда бўлади, ҳавонинг қисилган қисми ғовакликларда тупроқ сувидан ажралган ҳолатда маълум қисми тупроқ заррачалари томонидан ютилган бўлади. Ўсимлик учун энг муҳим бўлган ҳаво эркин шаклдаги ҳаво ҳисобланиб, унинг миқдори тупроқ ғоваклиги билан боғлиқ бўлади. Минералларга бой бўлган тупроқларда ҳаво миқдори 25% дан 75 % гача, органик моддаларга бой ва намлиги юқори бўлган тупроқларда 88% гача етади. Кўпчилик қишлоқ хўжалик экинлари экилган тупроқ ғоваклигидаги сувнинг ҳавога нисбати 60;40(%) бўлса яхши ҳисобланади. Айрим ўсимликлар тупроқ ғоваклигидаги нисбатан аксинча бўлганда (сув миқдори кўп, ҳаво кам) яхши ривожланади.

Тупроқнинг ҳаво хоссалари асосан ҳаво сифими, ҳаво ўтказувчанлиги ва аэрациясидан иборат бўлиб, атмосфера ҳавосидан ташкил топган тупроқ ҳавосининг алмашиш жараёнлари йиғиндиси ҳисобланади. Тупроқни атмосфера билан газ алмашиш асосида  $\text{CO}_2$  ва ундаги  $\text{O}_2$  ҳар хил

концентрацияси туради, у узлуксиз илдизлари нафас олиш жараёнида  $O_2$  ни ютиш ва  $CO_2$  ни ажратиши билан қувватланиб туради. Газ алмашиш жараёнида тупроқнинг структураси ва сув ўтказувчанлиги катта таъсир қилади. Тупроқнинг устки қатламларида  $O_2$  18-20%,  $CO_2$  0,15-3%, N 78-80%. дан иборат бўлади. тупроқ хавосидаги кислород ўсимликларни  $CO_2$  билан нафас олиши учун зарур, бу тупроқ қатлами устидаги атмосферага тушиши билан айрим тупроқ бирикмаларининг эрувчанлигин оширади ва ўсимликларнинг углерод билан озикланиш манбаи бўлиб хизмат қилади. Тупроқ қатламларининг зичланиши юқорида қайд қилинган жарёнларнинг бузилишига, хосилнинг пасайиши ва сифатининг ёмонлашишига, тупроқнинг физик деградациясига ва натижада унумдорлигининг пасайишига олиб келади.

Шўрланиш ва шўртобланиш-биосферага таъсир қилаётган муҳим омиллардан бўлиб, улар тупроқ унумдорлигини чегаралайди ва қишлоқ хўжаликда унумли фойдаланиган халақат беради. Дунёнинг қуруқ минтақаларида жойлашган давлатлар тупроқларнинг шўрланиши нафақат атроф муҳитга, балки иқтисодиётга тегишли бўлган йирик муаммолар манбаи ҳисобланади.

Тупроқ профилида тузларнинг тупланиши турли хил тезликда юзага келади. Айрим ҳолатларда шўрланиш жарёни шу қадар тезки, ҳатто тупроқнинг устки қатламида у ёки бу даражада қалин тузли қатқалоқ ҳосил бўлади. Тупроқли- тузли қатқалоқлар структурасиз тупроқларнинг чўкиши ва кўриши натижасида ҳосил бўлади. Кўпгина ҳолатларда атмосфера ёғигарчиликнинг, қиш фасли даврида музлаган тупроқларнинг муздан эриши техника ва иш қуролларнинг таъсири натижасида қатқалоқ ҳосил бўлади. Айрим атмосфера шароитларида тупроқларнинг хайдалма қатламларидаги тупроқ қатқалоқларининг капиллярлари орқали намликнинг парланиши кучаяди, натижада атмосферадан тушаётган ёғин миқдорининг етиб бориши қийинлашади, тупроқ ва атмосфера ўртасидаги газ алмашиш жараёни ёмонлашади. Бу омиллар тупроқ биотаси фаолиятининг бузилишига ва ўсимликлар учун захарли бўлган бирикмалар (лводород сульфид, метан ва б.) миқдорининг ошиши ва тўпланишига сабаб бўлди. Қатқалоқ ўсимлик миқдорининг ошиши ва тўпланишига сабаб бўлди. Қатқалоқ ўсимлик уруғларининг унуб чиқишини секинлаштиради, ўсишни қийинлаштиради ва айрим ҳолатларда батамом қуришига олиб келади. Тупроқларда ўз вақтида олиб бориладиган агротехник тадбирлар қатқалоқ ҳосил бўлишининг олдини олади. Масалан, физик жихатдан етилган тупроқларни бороналаш ёки мулчлаш самараси катта бўлади ва қатқалоқнинг олди

олинади. Эгатлардаги қатқалоқлар- сув берилгач, оғир бороналарда бузилади (майдаланади), айрим ҳолатларда культивация қилиниши мумкин.

Тупроқ қатқалоғи уруғ униб чиқмасдан аввал енгил бороналаш йўли билан йўқотилади, техник ва бошқа ўсимликлар экилганмайдонларнинг жўяклари орасига ишлов берилади. Қўшимча қўлланилган агротехник тадбирлар ортиқча энергия сарф бўлишига ва иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келади.. шу сабабли марказлашган махсус , тупроқнинг физик кимёвий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда унга ишлов бера оладиган машиналар фойданиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан биргаликда тупроқнинг кимёвий хоссаларини яхшилаш қобилиятига эга бўлган орғоно минерал ўғитлар алмашлаб экиш, кимёвий мелиорация , кўп йиллик ўт ўсимликлари ва бошқа тадбирларни қўллаш тупроқ қатқалоқлашининг олдини олади.

Тупроқнинг шўрланиш ва шўртобланишни ўрганиш тупроқшуносликда ўз тарихига эга. Айниқса, тупроқлар шўрланиши ривожланган, мелиоратив ҳолати ёмон ва унумдорлиги паст бўлган давлатларнинг тупроқларида олимлар томонидан кенг назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилган. Барча тадқиқотлар ўз даври тарихига мос равишда илмий ва технологик даражага асосланган ҳолда ўтказилган.

Шўрланган тупроқларни ўрганиш ва мелиорацияси фундаментал модулларнинг ривожланиши билан параллел равишда ривожланган. Тупроқларнинг шўрланиши ва шўртобланишининг асосий сабабларидан бири, тупроқ эритмасида кўп миқдорда электролитларнинг тўпланиши ва тупроқнинг қаттиқ фазаси билан ўзаро таъсир билан боғлиқ. Бу жараённинг принциплари ва унинг келиб чиқиш сабаблари бугунги кунда яхши ўрганилган. Аммо тупроқ эритмаларида электролитларнинг тўпланиш схемаси ва уларнинг тупроқ заррачалари, материаллари билан реакцияси, шўрланишнинг келиб чиқиш механизми, тезлиги ва қатқалоқнинг ҳосил бўлиш жараёни тўлиқ лаборатория шароитида кам ўрганилган. Тупроқларининг шўрланиши, шўртобланиши ва унинг келиб чиқиш сабаблари ҳатто тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларига нисбатан яхши ўрганилган бўлишига қарамасдан, бу йўналишда қатор ноаниқликлар ва номаълум омиллар фаолият кўрсатади.

Тупроқларнинг шўрланиши ва шўртобланиш жараёнлари бўйича кўп олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида қатқалоқнинг хавфлилиги ҳақида (жараённинг миқдорий механизми) маълумотлар келтирилган тупроқ қатқалоқланишининг келиб чиқиши , жараённинг ўзини миқдорий жиҳатдан маълумотларга эга бўлмасдан туриб, унинг йўналишининг жадаллигини

самарали йўллар билан бошқариш, салбий оқибатларнинг олдини олишга қаратилган агротехник тадбирларни ишлаб чиқиб бўлмайди.

“Олимлар томонидан тупроқнинг устки қисмида тез қатқалоқланиш жараёнини физик моделлаштиришнинг тажриба ускунаси ишлаб чиқилган бўлиб, бу тезкор лаборатория шароитидаги усулда сизот сувларидаги, тупроқ эритмасидаги ва тупроқ қатқалоғидаги тузларнинг миқдорий балансига асосланган ҳолда тупроқ қатқалоғининг ҳосил бўлиш жараёни бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш мумкин. Бунда тузлар миқдорини  $\text{NaCl}$ ,  $\text{MgCl}_2 \cdot 6 \text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{CaCl}_2 \cdot 6 \text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10 \text{H}_2\text{O}$ ,  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  ва  $\text{CaCO}_3$  ҳосил бўлган қатқалоқнинг қалинлигига ва мустаҳкамлигига таъсирини имкон даражасида ўрганишни кўрсатган. Сизот сувлари таркибидаги тузларининг концентрацияси қуйидаги миқдорда бўлганда қатқалоқланиш намоён бўлиши аниқланган  $\text{NaCl}$ -30 г/л, 58,5 г/л, 70 г/л  $\text{CaCl}_2 \cdot 6 \text{H}_2\text{O}$ - 30 г/л, 54,8, 70 г/л, 109,5 г/л,  $\text{MgCl}_2 \cdot 6 \text{H}_2\text{O}$ -30 г/л, 50,8 г/л, 70 г/л, 101,6 г/л  $\text{Na}_2\text{CO}_3$ -53 г/л, 70 г/л  $\text{CaCO}_3$ -50 г/л и 70 г/л. Қатқалоқнинг қалинлиги бирламчи эритмадаги, қатқалоқдаги, қатқалоқ остидаги ҳамда қатқалоқ солиштирма юзасидаги ионлар миқдори билан боғлиқлиги кўрсатилган. Камроқ миқдорда қатқалоқнинг мустаҳкамлигига қатқалоқ остидаги ионлар миқдори таъсир қилиниши аниқланган”<sup>15</sup>.

Тупроқларнинг деградацияси тушунчаси ХХI асрга келиб кўпроқ эшитиладиган ва кўпроқ қўлланиладиган бўлди. Сабаби, инсоният ер ресурсларига оддий таъсири бугунги кунда мураккаб тус олди, яъни бевосита ва билвосита тарзда таъсир қилиб, охир оқибат тупроқ унумдорлигининг пасайиши каби муаммоларга олиб келмоқда.

Албатта деградациянинг турлари бир бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир вақтнинг ўзида учта тури ҳапм тупроқда кечиши мумкин ёки кетма-кет тарзда ҳам кечиши кузатилади. Деградация натижасида асосан тупроқнинг хос Тупроқларининг шўрланиши, шўртобланиши ва унинг келиб чиқиш сабаблари са ва режимларнинг ўзгариши, табиий хўжалик баҳосининг пасайиши, дегумификацияси жараёнинг ортиши, тупроқ мухитининг бузилиши, шўрланиши, иккиламчи шўрланиш кабилар кўпроқ кузатилади. Барча деградация турлари жуда кучсиз даражадан то жуда кучли даражагача тупроқ хоссаларининг ўзгариши кузатилади.

Деградация турларининг орасида кимёвий деградация тупроқ хоссаларига салбий таъсир жихатдан энг хавфлиси ҳисобланади, яъни бунда тупроқнинг кимёвий таркиби ўзгаришига учрайди ва қайта тикланиши ҳам узок муддатда катта иқтисодий сарф орқали амалга оширилади. Буларнинг

<sup>15</sup> Почвозащитное и ресурсосберегающее земледелие: Теория и методика исследований. FAO-CYMMIT, Анкара, 2015. – 175 с. ISBN978-92-5-408795-1.

орасида тупроқларда кечадиган дегумификация жараёни кўпроқ учрайди. Хозирги вақтда дехқончилик соҳаси ва олимлар орасидаги назарий ва амалий жихатдан тупроқ унумдорлигининг сақлаш ва ошириш масаласи мураккаб ва долзарб вазифа хисобланади. Бироқ дунё бўйича тупроқларнинг дегумификация жараёнининг ортиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу боис, хозирги тупроқшунослик соҳасидаги модуллар мазкур муаммонинг илмий жихатдан ўрганишга ва ечимини топишга асосий эътиборини қаратиш лозим.

Тупроқ дегумификацияси- тупроқ гумусининг турли омил ва таъсирлар орқали йўқотилишидир. Тупроқ гумуси табиий тупроқ пайдо бўлиш жараёнида вужудга келса, асосий ҳолда дехқончиликда турли тадбирларнинг қўлланилиши орқали ошириб борилади. Тупроқнинг гумус билан таъминланишининг асосий ҳолда дехқончиликда турли тадбирларнинг қўлланилаши орқали ошириб борилади. Тупроқнинг гумус билан таъминланишининг энг яхши усули алмашлаб экишни тўғри ва илмий тарзда қўллаш, сидерал экинлар экиш, органик ва минерал ўғитларни меъер даражада қўллаш хисобланади. Чўл минтақалари каби ҳудудларда органик ўғитларнинг етишмаслиги натижасида тупроқларнинг 30% гача гумус миқдори камайиши кузатилади. Гумуснинг йўқотилиши тупроқларнинг ёмонлашувини келтириб чиқаради.

## БОШҚАРУВДА ОГОҲЛАНТИРИШ ҚОИДАЛАРИ (MANAGEMENT CAUTIONS)

Қоплама экинларни эҳтиёткорлик билан бошқарилмаса жиддий муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Улар тупроқ намлигини йўқотиши, зарарли ўтларга айланиши ва улар оралиқ экин сифатида фойдаланилганда асосий экинлар билан сув, ёруғлик ва озика элементларига талабгор сифатида рақобатчига айланиши мумкин. Қурғоқчил ҳудудлар ва саҳролашган тупроқлар, яъни қумларда қишки донли экинларни йиғиштиришни кечиктириш асосий ёзги экинлар учун намлик етишмовчилигига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатда қоплама экинлар тупроқдан кўп сувни йўқотилмасдан олдинроқ олиб ўрилиши шарт. Лекин, илиқ, гумид иқлимли қайсики ишлов берилмасдан экиш амалиёти қўллаб бўлмайдиган минтақаларда қоплама экинларни кўпроқ ўсишига шароит яратиш бу кўпроқ колдиқ ва асосий экинлар учун яхшироқ сув сақлаш воситаси деганидир.

Қоплама экинли мульчалаш яшил ўғитлар ўсишига қадар бўлган кеч давргача тупроқда йўқотиладиган ортиқча сувдан ҳам кўпроқ қоплашга ёрдам бера олади. Шунингдек, жуда гумид ва нам тупроқларда қоплама экинларнинг фаол ўстириш орқали ортиқча сувни транспирация орқали чиқариб ташлашга эришишда устунлик бўлиши мумкин.

Қоплама экинларни қанчалик кўп ўсишига қўйиб бериш орқали тупроқнинг тезроқ қуриши ва натижада асосий экинларни эртароқ экишга шароит яратилиши аҳамиятлидир. Айрим қоплама экинлар муваффақиятли экин экиш даврида қутилмаган бегона ўтларга айланиши мумкин. Қоплама экинлар гуллада айрим вақтларда асаларилар учун асал йиғиш ёки бошқа фойдали ҳашоротлар учун макон сифатида таъминланади. Лекин, агар ўсимликлар уруғ ҳосил қилса, қоплама экинлар бевосита қайта ўсиб чиқиши мумкин. Бегона зарарли ўтларга айлана оладиган қоплама экинларга buckwheat, ryegrass, crown vetch ва hairy vetch. Бошқа томондан, subclover, crimson clover, ёки velvet bean нинг қайта униб чиқиши айрим ҳолатларда фойдадан холи бўлмайлиги мумкин. Ниҳоят, сийрак қилиб мулчаланган қоплама экилган тупроқ организмлари ва айрим бошқа турлар учун яхши яшаш муҳити яратади. Каламушлар, сичқонлар ва илонлар (илик минтакаларда) каби ҳайвонлар мульч остида учраган ҳолда дала шароитида қўл ишларини олиб борилганда эҳтиёткор бўлишни талаб қилади.

#### ЭКИНЛАРНИ АЛМАШЛАБ ЭКИШ



*. . . фермерликни амалга ошириш усуллари ичида ўтлар алмашлаб экишнинг муҳим қисмини ташкил қилган ҳолда айниқса катта миқдорда илдиз ва поя қолдиқларини қолдирувчилари бўлганда маҳсулдорлик кучининг камайиши тупроқда кам қолдиқ қолдирувчи бугдой, пахта ёки картошка каби тўхтовсиз ўстириладиган экинларга нисбатан анча кам бўлади.*

*Генри Сидней, 1896*

Экинларни алмашлашнинг жуда яхши сабаблари мавжуд. Экинларни алмашлаб экиш одатда ҳашоратлар, паразит нематодалар, бегона ўтлар ва ўсимлик патогенлари томонидан чақириладиган касалликлар билан камроқ



муаммо бўлади деган маънони англатади. Ноодатий бўлган экинлардан иборат алмашлаб экиш маккажўхори илдиз қурти, соя кистаси нематодаси хашоратлари ва дала горохининг илдиз чириши касалликларини назорат қилишда самарали ҳисобланади. Қачонки махсус тупроқ касалликлари мавжуд бўлса, бир хил ёки ўхшаш экинларни ўстириш орасидаги вақт узунлиги нисбатан қисқадан (пиёз барги касаллиги учун бир йилдан икки йилгача) етарлича узоқ (редиска ва шолғом илдиз таёқчаси учун 7 йил) муддатгача ўзгариши мумкин. Шунингдек, алмашлаб экишда ноодатий бўлган экинлар ёки ҳақиқатда касалликни йўқотувчи экинларнинг бўлиши зарур ҳисобланади. Илдизнинг ривожланиши давомли равишда ҳар қандай бир хил экинни экилганда ёмон таъсирга учраши мумкин. Бу дегани экинлар тупроқдаги озиқ моддалар ва қўлланилган ўғитларни ўзлаштиришда кам<sup>16</sup> самарадорликка эга бўлиши мумкинлигини билдиради. Қўшимча равишда, дуккакли ўсимликларни ўз ичига олган алмашлаб экиш экилган ўсимликлар учун катта миқдорда азот билан таъминлаши мумкин. Уруғ учун ўриб олинган соя каби дуккаклилар навбатдаги экин учун кам азот қолдиради. Бошқа томондан, люцерна каби кўп йиллик дуккакли ўтлар кейинги экиладиган экиннинг азотга бўлган талабини тўлиқ таъминлаши мумкин. Озиқабоп ўт ўсимликлар, дуккаклилар ва ўт-дуккаклилар аралашмасини алмашлаб экишнинг бир қисми сифатида ўстириш ўз ўрнида тупроқда органик модданинг ортишига олиб келади. Қачонки сиз маккажўхори ва соя каби икки хил экинни навбатласангиз, сиз жуда содда алмашлашга эга бўласиз. Мураккаб алмашлаб экишда 3 ёки ундан ортиқ ва 5 дан 10 йилгача (ёки ундан кўпроқ) бўлган доирани тўлдириши зарур бўлади.

### ЭКИН ВА ТУРЛАР АРАЛАШМАСИ

Кўпгина ҳолларда нафақат алмашлаб экиш ёрдам беради, балки турли экинлар ва ҳаттоки экилган ўсимлик турларининг аралашган ҳолда ўстирилиши ҳам баъзан реал авзалликларга олиб келади. Масалан, фаба (fava) нўхати фосфор кам бўлган тупроқларда илдиз атрофини нордонлаштириш орқали маккажўхорига фосфорни ўзлаштиришига ёрдам беради. Шунингдек, айрим турларнинг турли-туманлиги маълум сифати бўйича баҳоланади, масалан мазаси, лекин алоҳида зараркунандалар учун жалб қилувчидир, турли миқдордаги бир қатор берилувчан турларни чидамли турлар қатори билан ўрин алмашлаб экиш зараркунандалар томонидан етказиладиган зарарни камайтириш тенденциясига эга.

---

<sup>16</sup> Organic Farming: Policies and Prospects Stephan Dabbert, Anna Maria Häring, Raffaete Zanoli 2003, бет




11.1-расм. Маккажўхори илдизлари: (а) минерал ўғит билан давомли маккажўхори, (б) кундалик органик ўғит қўлланган люцернадан кейинги маккажўхори. Walter Goldstein расми.

Алмашлаб экиш барқарор қишлоқ хўжалик тизимининг ажралмас бир қисмидир. Алмашлаб экишда ўстирилган экинларнинг ҳосили нормал мавсумли монокультурада экилган экин ҳосилидан одатда 10 фоизга юқори, ва қуруқ иқлимли мавсумларда у ёки бу даражада 25 % юқори бўлади. Қачонки сиз озиқабоп люцернадан кейин донли ёки сабзавод экин эксангиз, азотнинг ортиқча таъминланишининг фойдасини оласиз. Лекин, алмашлаб экишда олинган ҳосил миқдори якка экиндан олинган ҳосилдан ҳаттоки ҳар иккаласи азотнинг етарлича миқдори билан таъминланган тақдирда ҳам кўпинча юқори бўлади. Иовада олиб борилган тадқиқотда аниқланишича, ҳар акрига 240 фунт азот қўлланилган вақтда ҳам маккажўхоридан кейинги маккажўхори экилганда олинган ҳосил люцернадан кейин кам азот қўлланилган ёки умуман азотсиз маккажўхори ўстирилгандаги каби яхши бўлмаган. Ундан ташқари, дуккак бўлмаган экиндан кейин дуккак бўлмаган экин экилганда ҳам тавсия қилинган ўғитлар меъёри ишлатилган монокультурадаги ҳосилдан юқорироқ ҳосил етиштирилади. Масалан, қачонки сиз оралиқ экинини ўстирганингизда йилма-йил пахта ёки маккажўхори экилгандан олинган ҳосилдан юқорироқ ҳосил оласиз. Ушбу алмашлаб экишдан келган ҳосил фойдаси баъзан *навбатлаш эффекти* деб юритилади. Навбатлашнинг яна бир авзаллик томони шундаки, маълум бир йилда турли хил экинларни экиш иш кучининг тақсимланишига ва кутилмаган иқлим ёки бозор шароитларидан келадиган ҳавфни камайтиради. Бошқа фойдали томони кўп йиллик озиқабоп ўтлар навбатлашга киритилганда, тупроқ эрозияси ва озиқ моддаларнинг йўқотилишини камайтиради.

## НАВБАТЛАШ ВА ТУПРОҚ ОРГАНИК МОДДАСИ МИҚДОРИ

“Маълум бир экин тизимида тупроқдаги органик модда миқдори ўзгармас бўлса сиз жуда яхши иш қиялман, деб ўйлашингиз мумкин. Лекин, агар сиз органик моддаси издан чиққан тупроқ билан ишлаётган бўлсангиз, сиз олдинги амалиётларнинг таъсирига қарши турадиган даражани яратишингиз зарур. Органик модданинг номақбул даражаси буни қила олмайди. Сиз ўстираётган экинлар турлари, уларнинг ҳосили, яратилган илдиз миқдори, ўриб олинган экин улуши ва экин қолдиқларини қандай бошқаришингиз барчаси тупроқ органик моддасига таъсир қилади. Тупроқ унумдорлигининг ўз-ўзидан қайтарилган органик қолдиқлар миқдорига таъсир қилади, чунки кўп унумдор тупроқларда юқори ҳосилли кўп қолдиқ қолдирадиган экинлар ўсади. Тупроқ органик моддаси даражасининг пасайиши қачонки қаторли экинлар тоза ўрмонда ёки прерида экилганда биринчи беш ва ўн йилликда юз беради, лекин натижада плато ёки тенгликка эришилади. Шундан кейин, тупроқ органик моддаси ишлаб чиқариш амалиёти ўзгармагунча стабил туради. 25 йил давомида кетма-кет маккажўхори экилган вақтда нима содир бўлишига мисол 11.2-расмлар берилган. Тупроқ органик моддаси даражаси қачонки экиш тизими ишлов бериладиган экиндан ўт ёки ўт-чим дуккакли аралашмасига ўзгартирилганда ортади. Лекин, бу кўтарилиш давомли экиш тизими остида юз берадиган пасайишдан одатда анчагина камдир”<sup>17</sup>.



11.2-расм. **Нау** ўсимлик оралиқ сифатида киритилган узоқ муддатли ишлов бериш даврида ҳайдов қатламидаги органик модданинг ўзгариши.

Миссурида кўп муддатли экин экиш тажрибасида давомли маккажўхори давомли ўт билан турли қайтариқларда солиштирилди. 60 йил

<sup>17</sup> Organic Farming: Policies and Prospects Stephan Dabbert, Anna Maria Häring, Raffaete Zanoli 2003, бет

давомида тўхтовсиз маккажўхори экилганда 9 инч устки тупроқ йўқотилгани аниқланган. Тўхтовсиз маккажўхори экилган вариантларда ҳар йилги тупроқнинг йўқотилиш миқдори 21 т/акрга тенг бўлган. 60 йилдан кейин тўхтовсиз маккажўхори экилганда тупроқ тўхтовсиз timothy sod дагига нисбатан атиги 44 % кўпроқ устки қатламга эга бўлган. 6 йиллик алмашлаб экишда маккажўхори, сули, буғдой, беда ва икки йил timothy ташкил қилганда timothy экилган тупроққа нисбатан 70 % кўпроқ устки қатламга эгаллиги аниқланган. Тупроқ эрозияси ва органик моддадаги фарқларда тупроқ органик моддаси миқдори ўғитланмаган timothy учун 2.2 % ва тўхтовсиз маккажўхори вариантлари учун эса 1.2 % ни ташкил қилган. Шарқий Канададаги тажрибада тўхтовсиз маккажўхори органик модданинг йилига 100 фунт акрга ортишига олиб келган, ҳудди шу вақтда эса икки йиллик маккажўхори икки йиллик люцернадан кейин экилгандаги тупроқда органик модда акрига 500 фунт йилни ташкил қилган ва 4 йиллик люцерна экилгандан кейинги органик модда йилига ҳар акрига 800 фунтга ортганлиги тасдиқланган.

Кўп йиллик эм ҳашак ўсимликлари алмашлаб экишга жалб қилинса ва бир неча йил ўрнида қолдирилса 2 та нарса юз беради. Биринчиси, тупроқ органик моддасининг парчаланиши камаяди, сабаби тупроқ доимий равишда тегилмайди. Иккинчиси, ўт ва дуккакли ўтлар илдиз тизимини кенг ривожлантиради, бир қисми ҳар йили нобуд бўлади ва тупроққа янги органик модда қўшади. Кенг илдиз тизимига эга экинлар тупроқда биологик фаоллик даражасини ва тупроқнинг агрегатланишини стимуллади. Соғлом ўтлар ёки дуккакли ўтларнинг илдизлари бошқа ўсимликлар илдизларига нисбатан тупроққа кўпроқ органик қолдиқни қайтаради. Ўтларнинг қари илдизлари нобуд бўлади ва янги органик модда манбаини таъминлайди.

Кўп йиллик озиқабоп экинлардан таркиб топган 3 йиллик алмашлаб экиш Ўртағарбнинг маккажўхори ва соя поясларида жуда юқори сифатли тупроқ ҳосил қилиши аниқланган. Биз нафақат тупроқда умумий органик модда миқдorigа қизиқамиз, балки биз тупроқда яшайдиган турли хил организмларнинг ҳам кўпайишини ҳохлаймиз. Шунингдек, биз тупроқда фаол яхши органик модда миқдори ва яхши чириган тупроқ органик моддасининг ёки гумуснинг юқори миқдори тупроқда кўп бўлишини истаимиз. Ундан ташқари кўплаб тажрибалар турли экиш тизимида тупроқ органик моддасининг ўзгаришини таққослаган ва биров тажрибалардагина алмашлаб экишнинг тупроқ экологик ҳолатига таъсири назарда тутилган. Тупроқда сизнинг экинингизнинг қанча кўп миқдори қолса, тупроқда шунча кўп микроорганизмлар популяцияси мавжуд бўлади. Орегоннинг ярим арид ҳудудидаги тажрибаларда аниқланишича, икки йиллик буғдой-шудгор

қилинган тизимда микроорганизмларнинг умумий миқдори яйловда топилган миқдорнинг бор йўғи 25 % ини ташкил қилган. Анъанавий ҳайдалма экиш тизими ёмғир чувалчанглари ва бошқа организмлар популяциясининг камайишига олиб келиши маълум. Мураккаб алмашлаб экиш тизими тупроқнинг биологик фаоллигини оширади. Алмашлаб экиш тизимида кўп йиллик ем-хашак экинларини жалб қилиш эса ушбу таъсирнинг ортиши кучайтиради.

## **5.2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ресурстежамкор технологияларни экологик ва иқтисодий баҳоси.**

Тупроқ унумдорлиги ва ундаги гумус миқдорининг доимий камайиб боришни қонуният сифатида қараш лозим. Албатта бу муаммо бутун дунё мамлакатларида тарқалган ва дехқончиликда қилинаётган тупроқларга тегишлидир. Биринчидан, дехқончилик қилинаётган ҳудуд тупроқларида доимо равишда тупроқ таркибидаги моддалар алмашиниб туриши кузатилади ва гумусни ташкил қилувчи моддалар экинлар хосили, биомассаси ҳамда бошқа кўринишларида олиб чиқиб кетилади, яъни “йўқотилди”. Иккинчидан, агар инсон агротехник тадбир қўллаган ҳар қандай тупроқда унумдорликнинг камайиши кузатилади. Учинчида дехқончиликда фойдаланиб келинаётган барча тупроқлар табиий ва инсоннинг салбий таъсирларидан холи эмас, мисол ўрнида эрозия, ифлосланиш, шўрланиш, нотўғри агротехника ва бошқалар. Натижада тупроқда гумуфикация жараёни кузатиш мумкин бўлади.

Дунё хамжамиятининг давлат ташкилотлари ва олимларнинг эълон қилинаётган маълумотларида тупроқ унумдорлигининг камайиб бораётгани таъкидланади. Қуйида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси(2008) томонидан аниқланган айрим фикрларни келтирамиз;

- суғориладиган ерларнинг майдони камайиши, мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва хўжаликда фойдаланиш.

- шўрланган ва эрозияга учраган ерларнинг кўпайиши.

- суғорма ерларнинг хайдаладиган ерларда гумус ва озуқа элементлари мувозанатининг салбий томонига ошиб бориши.

Кўрсатиб ўтилган салбий жараёнлар қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерлар майдонининг камайишига, ернинг кимёвий сув-физикавий, физик-кимёвий ҳолати бузилиб, ҳосилдорлигининг камайишига олиб келади. Шунинг учун, тоғ олди қуйи қисмидан бошлаб, суғориладиган

ерлардан фойдаланишда, тўшама тупроқларнинг хозирги ва қадимий шўрланганлигини, иккиламчи шўрланиш хавфини инобатга олиш керак.

Сўнгги 3-4 йил мобайнида комплекс тадбирларни жорий қилиш йўли билан суғорма ерлар унумдорлигининг жадал сурьатлар билан барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда, қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этувчи объектив ва субъектив сабабларни баҳолаш, гидромелиоратив тизимларини экологик реконструкциялаш ва қуриш ишлари олиб бормоқда, уларнинг техник ҳолати яхшиланмоқда. Бунда хўжаликлараро бўлган каби ички хўжалик дренаж тармоқларини ҳам тозалашга катта эътибор қаратилмоқда, ҳар йили шўрланган ерлар ювилиб, тақчил суғориш суви тежамкорона ишлатилмоқда.

